

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ**

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Факультет декани, и.ф.н.доц
Камолов Х _____
« ____ » _____ 2015 й.

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Кафедра мудири, и.ф.н.доц
Шерматов О. _____
« ____ » _____ 2015 й.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ**

Фермер хўжаликларини бошқариш таълимий ўналишининг битирувчиси
Шомирзаев Шавкатбекнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер
хўжалигида лизинг кредитидан самарали фойдаланиш муносабатлари**

БМИ раҳбарлари: и.ф.д. проф. О. Зокиров
ассистент А. Абдумўминов
Бажарувчи: Ш. Шомирзаев

Андижон – 2015 йил

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудир

О.Шерматов _____

«__» _____ 2015 й.

Фермер хўжалигини бошқариш таълим йўналишининг
битирувчиси

Шомирзаев Шавкатбекга битирув малакавий ишини бажариш учун

ТОПШИРИК

1. Битирувмалакавийишининг мавзусинститут ректорининг2014
йил10 сентябрдаги № 275-Стбуйруғи билан тасдиқланган.

2.БМИнинг мавзуси: Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори”
фермер хўжалигида лизинг кредитидан самарали фойдаланиш
муносабатлари

3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти« 29 » м а й 2015 йил.

4.Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.БМИ кириш, асосий
қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан
ибора.

5.

Битирувмалакавийишнибажаришучункераклимаълумотлар.Ўзбекистон
Республикасининг қишлоқхўжалигидаиқтисодий ислохотларни
ўтказишгаоидбўлганқонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар
Маҳкамасининг қарорлари,И.А.Каримовасарлари,
мавзугаоидмахсусадабиётлар, мақолаларҳамдаАсака туманидаги “Асакалик
Йўлдашали” фермер хўжалигининг 2012-2014йилларучун бизнес режалари,
йилликхисоботларивамавзугаоидбўлганбошқамаълумотлари.

6.

Битирувмалакавийишдафойдаланиладиганжадваллар.Битирувмалакавий
ишидамавзунингмоҳиятиниёритишгаёрдамберадиган11-14 та

жадвалларни тузилиши кўздатирилган бўлиб,
улардан 5 тасибевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	Бажарилиш муддати	БМИни Рахбари	Имзо
Кириш	10.12.2014	Ассистент А. Абдумўминов	
I Боб. Фермер хўжаликларида лизинг кредитидан фойдаланишнинг илмий назарий асослари			
1.1. Лизинг кредитининг моҳияти ва мазмуни.	04.02.2015	Ассистент А. Абдумўминов	
1.2. Ўзбекистонда фермер хўжаликларини кредитлаш тартиби ва лизинг кредитининг аҳамияти	28.03.2015	Ассистент А. Абдумўминов	
II Боб. Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигининг табиий шароити ва иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили			
2.1. “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигининг табиий - иқтисодий шароитлари	21.04.2015	Ассистент А. Абдумўминов	
2.2. “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	28.04.2015	Ассистент А. Абдумўминов	
2.3. “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида пахта етиштириш агротехнологияси.	10.05.2015	Ассистент Х. Ту рсунов	
III Боб. Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида лизинг кредитидан фойдаланиш имкониятларини ошириш йўллари			
3.1. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида лизинг хизматларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар	13.05.2015	Ассистент А. Абдумўминов	
3.2. “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида лизинг кредитларидан самарали фойдаланиш имкониятлари	20.05.2015	Ассистент А. Абдумўминов	
Хулоса ва тақлифлар.	22.05.2015	Ассистент А. Абдумўминов	
Фойдаланилган адабиётлар.	29.05.2015	Ассистент А. Абдумўминов	

Топширик берилган вақти: “12” сентябрь 2014 й

БМИ раҳбарлари: проф. О. Зокиров

ассистент А. Абдумўминов

Битирувчи: Ш. Шомирзаев

МУНДАРИЖА

	Кириш	3-7
	I Боб. Фермер хўжаликларида лизинг кредитидан фойдаланишнинг илмий назарий асослари	
1.1.	Лизинг кредитининг моҳияти ва мазмуни	8-19
1.2.	Ўзбекистонда фермер хўжаликларини кредитлаш тартиби ва лизинг кредитининг аҳамияти	20-27
	II Боб. Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигининг табиий шароити ва иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили	
2.1.	“Урганжи замин сардори” фермер хўжалигининг табиий - иқтисодий шароитлари	28-32
2.2.	“Урганжи замин сардори” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	33-46
2.3.	“Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида пахта етиштириш агротехнологияси	47-52
	III Боб. Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида лизинг кредитидан фойдаланиш имкониятларини ошириш йўллари	
3.1.	Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида лизинг хизматларидан самарали фойдаланишгатаъсир этувчи омиллар	53-59
3.2.	“Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида лизинг кредитларидан самарали фойдаланиш имкониятлари	60-62
	Хулосаватаклифлар	63-65
	Фойдаланилганадабиётларрўйхати	66-68

Кириш

Фермер хўжаликлари жаҳон қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштирувчи асосий корхоналар ҳисобланади. Бунда хўжалик хусусий корхона сифатида ташкил этилиш ва ерни ижара олиш ёки хусусий мулк сифатида тасарруф этиб ишлаши мумкин. Жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, 2007 йилдан бошлаб мамлакатимизда ҳам ширкат хўжаликлари ўрнига фермер хўжаликлари ташкил этиш кенг йўлга қўйилди ва бу сиёсат бугунги кунда орқага қайтмайдиган ва келажакда янада ривожланадиган ишлаб чиқариш усули сифатида қарор топди.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи корхоналар сифатида ривожланган мамлакатларнинг узок муддатли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини тўлиқ намоён этган ишлаб чиқариш усули ҳисобланади. Шу сабабали, республикаимизда ҳам фермер хўжаликлари қишлоқда хўжалик юритишнинг муқобил ва истиқболли шакли бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда, жумладан, уларнинг фаолиятини иқтисодий ва ҳуқуқий асослари ва шарт-шароитлари яратилди, меъёрий-ҳуқуқий асослар такомиллаштирилмоқда. Бошқа давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам хусусий фермер хўжаликлари ҳақли равишда қишлоқда етакчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи бўғинга — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий корхонага айланиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукумати ва шахсан Президентимиз қишлоқ хўжалигига оид сиёсатида фермер хўжаликларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмларни шакллантирилишига ва самарали фаолият кўрсатишига алоҳида эътибор бермоқда. Буни охириги йилларда қабул қилинган бир қанча янги норматив ҳужжатларда кўриш мумкин. Ушбу сиёсатнинг натижаси ўлароқ, 2014 йил якунига кўра, Ўзбекистонда ялпи

ички маҳсулотни 8,1 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эса 6,9 фоизга ўсиши суръатлари таъминланди. Шунингдек, инфляция кўрсаткичи 6,8 фоиз доирасида бўлди ва белгиланган даражадан ошиб кетмади. Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиздан 10 фоизгача пасайтирилди. Мамлакатимизнинг 2013 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети жами харажатларининг 60 фоизга яқини ижтимоий соҳага, яъни аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилди.¹

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг баҳолари ва саноатда ишлаб чиқарилиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган саноат маҳсулотларини баҳолари ўртасида юзага келган номуносивлик тармоқни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоратадбирларини бозор талабларига мос ҳолда янада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Бундан ташқари, тармоқ ишлаб чиқаришида янги технологияларни қўллашнинг етарлича рағбатлантирилмаслиги, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва уни қайта ишловчилар ҳамда уни савдоси билан шуғулланувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг номукамаллиги ва бошқа шу каби масалалар қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар таннархини талаб даражасидан ошиб кетишига ва иқтисодий самарадорликнинг пасайишига асос бўлмоқда.

Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда давлатимиз раҳбари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ғўзанинг серҳосил навларини танлаш, ҳосилдорликни ошириш ҳақида тўхталар экан, бугун деҳқончиликни самарадорлигини рентабеллик даражаси билан ўлчаш энг тўғри йўл эканини таъкидлайди. Пахтанинг рентабеллиги баланд бўлмаса, деҳқоннинг шашти қайтади, ишга қизиқиши сўнади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси 2013 йил 17 январ.

самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади. Шунга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, республикамизда ушбу жараён ушбу асосий йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

- маҳсулот таннархини пасайтириш;
- экспортёр корхоналарга солиқлар бўйича имтиёзлар бериш;
- банк кредитлари орқали қўллаб-қувватлаш;
- инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотларимиз, жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу муаммони ўрганиш эса давлат эҳтиёжлари учун пахта-ғалла етиштираётган фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини чуқур ўрганиш талаб этилмоқда. Чунки пахта-ғалла етиштириш учун зарур бўлган ёқилғи, минерал ўғитлар, уруғлик, техник сервис хизматлари каби моддий-техника ресурсларининг баҳолари эркин нархлар туфайли юқори даражада ўсиб кетмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ноқулай бўлган номутаносибликларни келтириб чиқармоқда, иқтисодий самарадорлик пасаймоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида асосий муаммолар бу нафақат маҳсулот етиштиришни таннархини ўсишини пасайтириш, балки бевосита ишлаб чиқариш жараёнини ўзини ҳам интенсивлаштириш асосида модернизация

қилиш ва ишлаб чиқариш омилларидан янада унумли фойдаланишни ташкил этиш ҳисобланади. Бу жараёнда эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий муаммо - фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланиш даражасини кескин кўтариш бўлиб ҳисобланади. Шу сабабга кўра, фермер хўжаликларига имтиёзли лизинг кредитлари асосида қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш тизимини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб илмий ва амалий аҳамиятга эга муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилинганда, биз танлаган мавзу ҳозирги кунда илмий ва амалий аҳамиятга эга изланишларни талаб қилувчи долзарб муаммо ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади – Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида лизинг кредитидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва унга оид амалий аҳамиятга эга таклиф ва хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинган бўлиб, улар ишнинг мақсадини тўлалигича ўзида акс эттиради:

- лизинг кредитининг моҳияти ва мазмуни очиқ бериш ҳамда кредит категориясининг илмий – назарий асосларини ёритиб бериш;
- Ўзбекистонда фермер хўжаликларини кредитлаш тартиби ва лизинг кредитини берувчи ташкилотлар фаолиятини ёритиб бериш;
- Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигининг табиий - иқтисодий шароитларини тавсифлаш;
- Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилиш;
- Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида лизинг кредитидан фойдаланишни кенгайтириш имкониятлари ўрганиш.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишда келтирилган фикр мулоҳазалардан, қилинган хулосалар ва таклифлардан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ

хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжаликларида лизинг кредитларидан фойдаланишга оид чора – тадбирлар ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий иши 68 бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда 1 та расм, 14 та жадвал фойдаланилди. Шундан 5таси ҳимояда фойдаланилади.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, битирув малакавий ишини мақсади, вазифалари ва унинг таркиби акс этирилган. 1-3 боблар эса битирув малакавий ишини асосий қисмини ташкил этиб, унда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларида лизинг кредитларидан фойдаланиш тартиби, унинг ташкилий - ҳуқуқий асослари ўрганилган ва Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиниб, лизинг кредитидан фойдаланиш имкониятлари баҳоланган.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида лизинг кредитидан фойдаланиш бўйича бир қатор фикр ва мулоҳазалар, таклифлар ишлаб чиқилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида битирув малакавий ишини бажариш давомида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ўрин олган.

I Боб. Фермер хўжаликларида лизинг кредитдан фойдаланишнинг илмий - назарий асослари


1.1. Лизинг кредитининг моҳияти ва мазмуни

Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, лизинг ҳақидаги биринчи маълумотлар 1066 йилга бориб тақалади. Саркарда Вильгельм норманд кемачиларидан Британия оролларига бостириб кириш учун кемаларни ижарага олган. Орадан икки аср ўтгач, яъни 1248 йили “Салиб” юриши иштирокчилари ҳам худда шундай йўл тутишган.

Иқтисодиёт фанида лизинг операцияси биринчи марта АҚШнинг Белл компанияси 1877 йили ўзининг телефон аппаратларини сотиш ўрнига уларни ижарга бериш ҳақидаги қарори билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Бу усул телефон хизматларини жуда тез ривожланишига олиб келган. Орадан ярим аср ўтгач, Генри Форд ҳам ўзининг автомобилларини лизингга ижарага бериш тартибини йўлга қўйган ва шу йўл билан сотув ҳажмини кескин кўпайтирган. 20 асрнинг 50 йилларида аввал АҚШда, кейин эса Европада ишлаб чиқариш воситалари лизинг бўйича ижарага берилга бошланган ва бу ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жуда яхши таъсир қилган. Биринчи ихтисослашган лизинг компанияси АҚШда 1952 йили ташкил этилган. 60 йилларга келиб лизинг операцияларнинг ҳажми 1 млрд АҚШ долларидан, 80-йилларда эса 110 млрд АҚШ долларидан ошиб кетган.² Лизинг компаниялари эса лизинг молия жамиятлари номини олишган. Европа давлатларида энг кўп лизинг операциялари Ирландия (46%), Англия (35,8%) ва шарқий Европада Чехия давлатига тўғри келади. Бугунги кунда ривожланган давлатларда инвестицияларнинг 25-30 фоизи лизинг операцияларига тўғри келади. Ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотларнинг 80% лизинг асосида ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларига тўғри келади. Айрим давлатларда ҳукумат лизинг операцияларидан кичик бизнесни ривожлантириш учун фойдаланадилар. Жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналарига техника сотибо

² <http://antireider.msk.ru/lizing/istoriya-vozniknoveniya-lizinga-i-mirovoi-opit-ego-primeneni.php>

лиш учун ҳам лизинг кредитини бериш амалиёти кенг тарқалган. Буни қуйида келтирилган лизинг операцияси схемасида кўриш мумкин.



1-расм. Лизинг операциясини амалга ошириш схемаси.

Лизинг операциясида лизинг оловчи ва берувчидан ташқари, тижорат банки, суғурта компанияси, ижарага берилаётган восита ёки мулкни ишлаб чиқарувчиси, лизинг оловчига кафиллик берувчи ташкилот иштирок этади. Бугунги кунда лизинг операциясининг иккита шакли ажратиб кўрсатилади. Биринчи шакли молиявий лизинг деб аталади ва мулк 5 йилдан 15 йилгача бўлган муддатга ижарага берилади. Бунда лизинг объекти бўлган мулк лизинг оловчининг балансига ўтказилади ҳамда унинг қиймати кўрсатилган муддатда бўлакларга бўлинган ҳолда фоизи билан қўшиб тўланаверади. Муддат тугагач, мулк лизинг оловчининг хусусий мулкига айланади. Иккинчи тури оператив ёки тезкор лизинг деб аталади. Бунда лизинг оловчи 1 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга мулкни ижарага олади ва келишилган шартномаси асосида ижара пулини тўлаб бораверади. Лекин, мулк ижара оловчининг балансига

ўтказилмайди ҳамда муддат тугагач, у лизинг берувчига қайтариб берилади. Лизинг берувчи компания эса мулкдан самарали фойдаланиш учун янги мижоз кидириш билан банд бўлади. Чунки, оператив лизингда мулкни кўп маротаба ва тез - тез ижарага бериш унинг фойдалилик даражасини белгилаб беради.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сотиш бозорларини глобаллашув даражаси кескин кучайиб бораётган шароитда фаолият кўрсатмоқда. Бу шароит эса нафақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақбатбардошлигини, балки уни ишлаб чиқариш шарт - шароитини ҳам такомиллаштиришни тақозо этади. Бунинг сабаби шуки, МДХ давлатларида озиқ - овқат бозорларини очиклигини ортиб бориши импорт маҳсулотлар рақобатини кучайтирибгина қолмасдан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни жуда кийин аҳволга солиб қўймоқда. Бу ҳолат фақатгина ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни талаб қилмасдан, балки агросаноат тизимини юқори технологияли ишлаб чиқариш усуллариини ўзлаштирган соҳага айлантиришни тақозо этмоқда. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Бугунги кунда кўплаб МДХ давлатларида бўлгани каби республикамизда ҳам фермер хўжаликларини ўзларининг хусусий қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланиш даражасини пастлиги етиштирилаётган маҳсулотнинг меҳнат сиғимини ошириб юбормоқда, унинг таннархи эса ўсиб кетмоқда. Бунинг асосий сабаби бўлиб қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий ҳолатини нобарқарорлиги ҳисобланади.

Бундай вазиятда агролизинг қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий техника таъминотини кескин яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг мақбул усулларииндан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда лизинг кредитини олиш жараёни инновацион жараён сифатида қаралиб, унинг асосий мақсади - хўжаликнинг ўзлик маблағлари ёки қарз маблағларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш техникасини сотиб олишига шароит яратиб берилади. Бу жараён бевосита кредит бериш операцияси билан боғлиқ бўлганлиги туфайли, унинг мазмунини кредитлаш амалиёти сифатида ўрганиш керак бўлади. Ушбу жараённинг мазмунини тушуниб етиш учун аввал кредит

категориясининг мазмун моҳиятини кўриб чиқамиз, кейин эса уни агролизинг муносабатлари билан боғлиқлигини ўрганамиз.

Кредит (лотинча – ишонч) деганда ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларининг бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шarti билан қарзга олиш ҳамда қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатлари тушунилади. Кредит қадимдан маълум бўлиб, у дастлаб савдода алмашув жараёнида пайдо бўлган ва товарларни кредитга сотилиши билан боғлиқ. Бунга сабаб, харидорни товар сотиб олишга ҳамиша ҳам нақд пули бўлмайди, сотувчи эса уни кутиб туролмайди. Шу ва бошқа ҳолатлар товарларни кредитга сотишга олиб келган. Кредит товар ишлаб чиқаришнинг ва товар муомаласининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ва унинг ривожланиши билан боғлиқ. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан пул шаклидаги кредит пайдо бўлган.

Кейинчалик кредит бериш мустақил тадбиркорлик фаолиятига айланиб, унинг асосий функцияси эса пул эгалари ва унга вақтинча муҳтож бўлганлар ўртасидаги воситачиликдан иборат бўлган. Ҳозирда бу фаолият махсус малака ва техникага эга бўлган ихтисослашган муассасалар - банклар томонидан амалга оширилмоқда.

Кредитнинг имконияти ва зарурлиги шу билан боғлиқки, корхоналар маҳсулот сотишда, ҳодимларга меҳнат ҳақи ҳисобланганда, корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятларини узлуксизлигини таъминлаш учун тегишли пул маблағига эҳтиёж сезади. Бу ҳолат қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳам хос бўлиб, у ишлаб чиқаришни мавсумийлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш вақти билан уни сотиш ҳажмини кўпчилик маҳсулотлар бўйича мос келмаслиги, сотилган маҳсулотларга пулни ўз вақтида келиб тушмаслиги ва бошқа ҳолатлар уларни кредитдан фойдаланишни такозо этади. Бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг аҳамиятини ошиши қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

1. Нақд пулдан фойдаланишни камайтириб, муомала ҳаражатларини, пул эмиссиясини камайтиришни таъминлайди.

2. Корхоналар ва аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағлари кредит муассасаларида сақланиши туфайли улардан унумли фойдаланиш таъминланади.

3. Банк муассасаларига тўпланган пуллар халқ хўжалиги тармоқлари, корхоналарнинг асосий ва айланма маблағларини тўлдиришнинг қарзга олинган манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга.

4. Кредит туфайли хўжаликлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларининг бажарилиши таъминланади, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлиги таъминланади ва бошқалар.

Ижтимоий - иқтисодий тизимда кредитнинг ўрни ва роли у бажараётган функциялар билан аниқланади. Кредитнинг функцияси – бу кредитнинг иқтисодиётдаги фаолиятининг муайян равишда намоён бўлишидир.

Кредитнинг функциялари:

1. Қарзга берилувчи қийматни вақтинча фойдаланишга бериш. Бунда кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги муносабат шундай аниқланадики, кредитор қарз олувчига ресурсларни таклиф қилади, қарз олувчи бу ресурсларни ишлатади ва бунда қарзга берилувчи қиймат кредитор ва қарз олувчи ўртасида муомалада бўлади.

2. Қайта тақсимлаш. Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларига – таъминот, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, муомала ва истеъмолга хизмат қилади.

Ушбу функция ёрдамида корхоналар, ташкилотлар, давлат ва шахсий секторнинг бўш пул маблағлари ва даромадлари ссуда капиталига айлантирилади ва вақтинча фойдаланишга, муайян тўлов асосида берилади. Бу функция ёрдамида ишлаб чиқаришдаги пропорциялар ва пул капитали ҳаракати бошқарилиб турилади.

3. Муомала ҳаражатларини тежаш. Бу функция ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ривожлантирилиб, уларни тезлигини ва кам ҳаражатлилиги таъминланади. Капиталнинг муомалада бўлиш вақтини тежалиши унинг ишлаб

чиқаришда бўлиш вақтини оширади ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, фойдани ортишига олиб келади.

4. Капитал тўпланишининг жадаллашуви ва марказлашуви. Капитал тўпланиши жараёни иқтисодий ривожланишнинг барқарорлашуви ва хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мақсадига эришишининг муҳим шарти ҳисобланади. Бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун кредит ёрдамида катта ҳажмдаги маблағга эга бўлишга имкон яратади. Ушбу функция ҳозирги шароитда режали иқтисодиёт даврида ривожланмаган ва маблағлар билан таъминланмаган фаолият жабҳаларини молиявий маблағлар билан таъминлаш жараёнини сезиларли тезлаштиради.

5. Муомалага тўлов воситаларини чиқариш. Бу функцияни амалга ошириш жараёнида кредит фақатгина товар эмас, балки пул муомаласининг жадаллашувига, ундан нақд пулларни сиқиб чиқариб, тўловлар айланишининг тезлашувига ижобий таъсир кўрсатади. Кредит туфайли пул муомаласи доирасига вексел, чек, кредит карточкалари каби воситалар киритилиб, нақд пулли ҳисоб-китобларни, нақд пулсиз ҳисоб-китобларга алмаштиради. Бу эса ички ва ташқи бозордаги иқтисодий муносабатлар механизмини осонлаштиради ва тезлаштиради. Бу масалани ҳал этишда тижорат кредити замонавий товар алмашилишининг керакли элементи сифатида муҳим ўрин тутди.

Кредитнинг объекти - бу (кредитор) қарз берувчидан қарз олувчига бериладиган қийматдир. Бошқача айтганда, кредит айнан қайси мақсад учун берилса, у кредит объекти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида банклар деҳқончилик ва чорвачилик ҳаражатлари - минерал ўғит, ёқилғи ва мойлаш материаллари ва бошқа ҳаражатлар кредитланади. Кредит муносабатларининг субъектлари бўлиб (қарз берувчи) ва қарздор (қарз олувчи)лар ҳисобланади.

Ёки, кредитлаш субъектлари бўлиб давлат корхона ва ташкилотлари, қурилиш ташкилотлари, савдо ташкилотлари, фермер ва ширкат хўжаликлари, яқка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар, қўшма корхоналар, микро фирмалар, бирлашмалар, тижорат банклар ва бошқалар ҳисобланади.

Ўзининг тарихий ривожланишида кредит қўйидаги босқичларни босиб ўтган. Бошланғич шаклланиш. Бу босқичнинг асосий белгиси - ссуда капитали бозорида махсус воситачиларнинг йўқлиги. Кредит муносабатлари, бўш пул маблағларининг эгаси ва қарз олувчи ўртасида бевосита амалга оширилган. Бу ерда кредит судхўрлик капитали сифатида намоён бўлади. Унинг характерли хусусияти бўлиб:

- қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида тўғридан тўғри келишувга асосланган қарз муносабатларининг тўлиқ марказлашмаганлиги.
- маблағларни тақсимлашнинг чекланганлиги.
- қарз маблағларидан фойдаланганлиги учун жуда юкори фоиз нормаларининг белгиланганлиги ва бошқалар.

Бу босқичнинг тугалланишига ишлаб чиқаришнинг тобора ривожланиб бориши туфайли қарз ресурсларига бўлган эҳтиёжни кескин ошганлиги ва алоҳида олинган судхўрлар капиталини бу талабларни қондиришга етарли бўлмаганлиги.

Таркибий жиҳатдан ривожланиш. Бу босқич ссуда капитали бозорида кредит-молия ташкилотлари каби махсус воситачиларнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Капитал судхўрлик идоралари заминида вужудга келган дастлабки банклар кейинчалик кредит институтларига анъанавий бўлиб қолган қўйидаги функцияларни ўз зиммасига олди:

- бўш молиявий маблағларни ўз вақтида фоиз билан тўлаш мажбурияти асосида қарз олувчига бериш.
- юридик ва жисмоний шахслар учун ҳар қил тўлов ва ҳисоб-китоблар бўйича хизмат кўрсатиш (кейинчалик давлат учун ҳам).
- қатор махсус молиявий операцияларни ўтказиш (вексел ва бошқалар).

Бу босқичнинг асосий белгиси – иқтисодиётда кредит муносабатларини давлат томонидан марказлашган ҳолда бошқарилишидир.

Давлат миқёсида кредит муносабатларининг марказлашуви ҳар бир давлатнинг Марказий Банки ёрдамида амалга оширилади. Дастлабки миллий давлат кредит институтларининг пайдо бўлиши нақд пулсиз ҳисоб-китобларни

олиб бориш учун қўл келди ҳамда тижорат банкларининг операциялари ва хизмат кўрсатиш қўламининг кенгайишига олиб келди.

Кредит муносабатларининг такомиллашуви. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит муносабатлари янги сифат даражага кўтарилиб, у иқтисодиётда информацион технологиянинг ривожланиши, глобал банк тармоқларининг компьютер технологиялари ва маълумотлар базаларининг шаклланишининг, миқдорга хизмат кўрсатишининг яхшиланиши ва кредит муносабатларини халқаро бозорга ҳам тарқалиши ва бошқа сифат ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган.

Кредитлашнинг асосий манбалари (ресурслари) бўлиб, қуйидаги вақтинчалик бўш пул маблағлари ҳисобланади:

1. Товарларни сотиш ва керакли моддий қийматларни сотиб олиш вақтларининг бир-бирига мос келмаслиги туфайли юзага келадиган бўш пул маблағлари.

2. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида йиғиладиган ва капиталлаштириш учун мўлжалланган маблағлар.

3. Шахсий сектор даромадлари, жамғармалари.

Кредит муносабатлари маълум тамойилларга асосланади. Иқтисодий категория сифатида кредит қуйидаги тамойилларга эга. Кредитнинг қайтарилиши. Бу тамойил кредитнинг умумий белгиси ҳисобланади, лекин у ўз-ўзидан вужудга келмайди. У моддий жараёнларга, қиймат айланишининг тугашига асосланади. Аммо, доиравий айланишнинг тугаши – бу қайтариб бериш эмас, қайтариб бериш учун замин тайёрлаш ҳисобланади. Қайтариб беришлик объектив зарурат ҳисобланади ва бу тамойил бошқа иқтисодий категориялардан, шу жумладан молиядан фарқ қилади.

Кредитнинг бу тамойили амалиётда кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоиз суммасини кредит берган муассаса ҳисобига кўчириш йўли билан тўланади. Шу йўл билан банklar кредит ресурсларини қайта тикланишини таъминлайди.

Кредитнинг муддатлилиги. Бу кредитнинг маълум муддатга берилишини англатиб, у қисқа ва узоқ мудатли кредитга бўлинади. Бу муддат қарздор учун хоҳлаган муддатда эмас, балки у шартномада белгиланган муддат ҳисобланади. Кредитни ўз вақтида қайтарилиши иккала томон учун ҳам муҳим ҳисобланади. Қарз берган томон учун кредитни ўз вақтида фоиз билан қайтарилиши уни яна кредитга бериш имкониятини яратади, қарздорни эса шартномада кўзда тутилган жазо чораларидан қутқаради.

Кредитнинг муддатлилиги келиб тушувчи бойликларни тежамли ва қайта ишлатиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни жўнатиш, товарларни сотиш муддатига ва пировард натижада айланма маблағларни доиравий айланишини тезлигига боғлиқдир.

Кредитни товар-моддий бойликлар билан таъминланганлиги. Бу тамойилнинг моҳияти шуки, бунда хўжалик айланмасида иштирок этувчи банк маблағларининг бир сўмига муайян бойликларнинг ҳар бир сўми тенг туриши керак. Берилган кредитлар товар - моддий бойликлар ва маълум ҳаражатлар билан таъминланган бўлиши керак. Таъминланмаган кредитларнинг берилиши кредитларни банкга қайтиб келмаслигига асос ҳисобланади.

Бунинг учун ҳозирги шароитда қарз олувчилар банкга товар ёки товар ҳужжатларини, мулкни гаровга қўяди. Кредит “варрант” (гаров учун хизмат қилувчи ҳужжат) ёки учинчи шахс кафолати асосида ҳам берилиши мумкин.

Тўловлилиқ. Бу тамойилга асосан корхоналар фойдаланилган қарз маблағларини ҳисобланган фоизи билан тўлиқ ўтказадилар. Кредит учун ҳақ тўлашнинг иқтисодий моҳияти қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги қўшимча олинган фойданинг тақсимланишини қайд қилишда намоён бўлади. Ҳозирги шароитда ссуда фоизи миқдори шартномада ўз аксини топади ва у кредитлашнинг ўртача нормаси ва банк маржасидан ташкил топади.

Кредитнинг мақсадлилиги. Қарз олувчи олинган кредитни маълум мақсадга йўналтирган бўлиши зарур. Бу мақсад кредит берувчи ва кредит олувчи ўртасида тузилган шартномада ўз аксини топади. Корхона олган

кредитни фақатгина кредит шартномасида кўрсатилган ишни бажаришга сарфлаши керак.

Жаҳон амалиётида кредитларни ягона, умумлашган таснифи йўқ. Чунки кредитларнинг турли хил шакллари ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, унинг урф-одатларига, аҳоли орасида кредитларни бериш ва қайтариш бўйича тарихан шаклланган (товар шаклида, пул шаклида, бошқа шакллар ва шартларда) усулларига боғлиқ бўлади.

Умуман кредитнинг шакллари унинг тури ва усулларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Кредитнинг асосий турлари:

1. Банк кредити.
2. Давлат кредити.
3. Истеъмол кредити.
4. Тижорат кредити.
5. Лизинг кредити.
6. Халқаро кредит.

Иқтисодиётда кенг тарқалган кредит муносабатларининг бири - банк кредитидир. Банк кредитини берувчи кредит муассасалари кредитлаш жараёнини амалга ошириш учун Марказий банкдан махсус лицензия олган бўлиши зарур. Бунда кредит муносабатларининг асосини кредит шартномаси ташкил этади. Банк кредитлари қуйидаги белгилари бўйича гуруҳланади:

- 1) кредитлаш объектларининг иқтисодий моҳиятига кўра;
- 2) товар-моддий бойликлар учун бериладиган кредит;
- 3) ишлаб чиқариш ҳаражатлари учун бериладиган кредит;
- 4) тўлаш муддатига кўра (қисқа, ўрта ва узоқ муддатли);
- 5) муддатли;
- 6) муддати кечиктирилган;
- 7) муддати ўтган;
- 8) кредитни тўлаш манбаларига кўра;
- 9) қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобига;
- 10) гарант маблағлари ҳисобидан;

- 11) таъминланганлик таъмоилининг амал қилишига қараб;
- 12) бевосита тўғри таъминланган (ўз мулки ва маблағи ҳисобига);
- 13) билвосита таъминланган кредитлар (учинчи шахс қафолати);
- 14) таъминланган кредитлар (суғурта ва юқори ташкилотлар);
- 15) тўланадиган фоиз даражасига кўра;
- 16) паст фоиз ставкали;
- 17) ўрта фоиз ставкали;
- 18) юқори фоизли;
- 19) фоизсиз (марказлашган кредит ресурслари).

Банк кредити қайтариш муддатига кўра қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитларга бўлинади. Бу мезон дунё мамлакатларида турли муддатларни ўз ичига олади. Жумладан, қуйидаги жадвалда бу ҳақда қисқача маълумот акс эттирилган. 1-жадвал.

1 - жадвал

Муддати	Россия	АҚШ	Буюк Британия	Франция	Ўзбекистон
Қисқа	1 йилгача	1 йилгача	3 йилгача	1 йилгача	1 йилгача
Ўрта	1-3 йил	1-6 йил	3-10 йил	2-7 йил	1 – 3 йил
Узоқ	3 йилдан ортиқ	6 йилдан ортиқ	10 йилдан ортиқ	7 йилдан ортиқ	3 йилдан ортиқ

Қисқа муддатли кредитлар асосан айланма маблағларни молиялаштиришга, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар эса асосий капитални молиялаштиришга берилади.

Давлат кредитининг асосий хусусияти шуки, кредит муносабатларида давлатнинг ўзи қатнашади. Давлат кредитида давлат бир томондан қарз берувчи ва иккинчи томондан қарз олувчи сифатида иштирок этади. Қарз берувчи вазифасини бажара туриб, давлат кредит институтлари, жумладан Марказий Банк орқали иқтисодиётнинг ҳар хил соҳаларини кредитлашни ўз зиммасига олади. Бу марказлашган кредитлар иқтисодиётнинг устивор тармоқларини кредитлаш, давлат аҳамиятига эга бўлган аниқ тармоқ ва соҳаларга, агар

бюджетдан молиялаштириш имконияти бўлмаганда, вақтинча фойдаланишга маблағ ажратилиши мумкин. Ундан ташқари, тижорат банкларига банклараро кредитлар бозорида кредит ресурсларини ким ошди савдо йўли билан ёки тўғридан-тўғри сотиш жараёнида давлат томонидан маблағлар вақтинча фойдаланиш учун берилиши мумкин.

Юқорида баён қилинган маълумотлар ва фикр - мулоҳазалардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкин. Ҳар қандай жамиятда иқтисодий тизимнинг асосини ишлаб чиқариш муносабатлари ташкил этади. Ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашда эса кредитнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Бошқача айтганда, корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шароитида иш юритишида ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, корхонанинг айланма фондларининг айланишини тўхтаб қолишига йўл қўймаслик, уларни молиявий ресурслар билан таъминлаш, товар маҳсулоти сотилганда, тўлов суммасини олиш ва бошқа объектив ва субъектив сабаблар кредитнинг зарурлигига олиб келади. Лизинг кредити эса айнан шу заруратни қондириш хусусиятига эга бўлган ва энг қулай кредитлаш усули бўлиб ҳисобланади.

1.2. Ўзбекистонда фермер хўжаликларини кредитлаш тартиби ва лизинг кредитининг аҳамияти

Бугунги кунда фермер хўжаликларини асосан бюджетдан ташқари жамғармалардан кредитлаш амалга оширилмоқда. Бундай жамғармаларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб - қувватлаш жамғармаси.
2. “Бизнес фонд”.
3. Аҳолини иш билан таъминлаш жамғармаси ва бошқалар.

Бюджетдан ташқари фондлардан кредит олишдан якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирма (кичик фирмалар, кичик ва ўрта корхоналар) фойдаланади. Якка тартибдаги ёки дехқон хўжаликлари тадбиркорлар ҳам икки хил бўлади:

1. Якка тадбиркор.
2. Ҳамкорликда иш юритувчи тадбиркор.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ёлланма меҳнатдан фойдаланиши мумкин эмас. Улар ҳокимиятларда давлат рўйхатидан ўтади ва тегишли тартибда гувоҳномага эга бўлади. Рўйхатдан ўтгандан сўнг солиқ инспекцияси ва пенсия фондидан рўйхатдан ўтади. Сўнг уларга банкдан ҳисоб рақами очилади. Якка тадбиркорларга бериладиган микрокредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг 350 баробаридан ошиб кетмаслиги керак. Амалдаги йўриқномаларга асосан, тижорат банклари кичик ва ўрта бизнесга фақат мақсадли фойдаланиш учун кредитлар беришади. Фермер хўжаликларга қуйидаги мақсадлар учун кредитлар берилади:

- фермер хўжаликларини ривожлантириш, хусусан қишлоқ хўжалик техникалари, чорва моллари, уларга ем-хашак, дори дармон, минерал ўғитлар сотиб олиш, иморат иншоатларини қуриш;

- хом-ашё ва материалларга бошланғич ишлов бериш ва ишлаб чиқариш;

- меҳнат қуроллари, хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олиш ва бошқа халқ хўжалик эҳтиёжларини қондириш мақсадларида.

Дехқон ва фермер хўжаликларга бериладиган кредитлар банк маржасини ҳисобга олган ҳолда имтиёзли берилади. Бундай имтиёзли кредитлаш Марказий Банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига мутаносиб равишда фоизларда белгиланади. Жумладан фермер хўжаликлари учун кредит фоиз ставкаси фермер хўжаликларини қўллаб-қуватлаш жамғармасидан Марказий Банк қайта молиялаштириш ставкасининг $1/3$ қисми миқдорида бўлади. Бу ставканинг 50% тижорат банки маржаси бўлади. Меҳнат билан бандлик жамғармасига кўмаклашиш ва «Бизнес фонд» дан бериладиган имтиёзли кредитлар Марказий Банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига асосан қуйидагича белгиланади:

- фермер хўжаликларга Марказий Банкнинг қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг $1/3$ қисми миқдорида;
- хом ашёларни қайта ишлаш, маҳаллий саноатни ривожлантиришга Марказий Банкнинг қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг 40% ;
- бошқа мақсадларга берилган кредитлар Марказий Банкнинг қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг 45% ;
- «Иш билан бандлик жамғармасидан олинган кредитларда банк маржаси 50% , «Бизнес фонд»дан олинганда 45% бўлади.

Бунда банк маржаси белгиланган имтиёзли кредит фоизи таркибида бўлади. Масалан: деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, янги техникаларни сотиб олиш учун имтиёзли кредитлаш фоиз ставкасини белгилашда Марказий Банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бир йилга ўртача 12% бўлса, у ҳолда деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб қувватлаш жамғармаси ва меҳнат билан бандлик жамғармасининг $\%$ ставкалари 6% , шу жумладан банк маржаси 3% ($12\%/0,5$) бўлади. «Бизнес фонд»дан олинган кредитнинг $\%$ ставкаси 6% , шу жумладан банк маржаси $2,7\%$ ($12\%/ 0.45$).

Шундай қилиб, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, янги техника ва технология сотиб олиш учун олинган кредит учун тўланган 6% фоиз ставкасининг, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш

фонди ва меҳнат билан бандлик фондига 3%и (0,5) берилади, қолган 3% тижорат банкининг маржаси ҳисобида қолади. «Бизнес фонд»га эса ушбу %нинг 3,3% берилади, қолган 2,7% (45%) тижорат банки маржаси бўлади.

«Бизнес фонд»дан олинadиган кредит муддати 10 йилгача, шундан 2-5 йили имтиёзли. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғарма 3 йилгача имтиёзли кредит бериши мумкин. Бошқа бюджетдан ташқари фоизлардан бериладиган кредитлар уларнинг ўз Низомидан келиб чиққан ҳолда тузилган кредит шартномалари асосида белгиланади. Якка тадбиркорларга ҳам кредит 3 йил муддатгача берилади. Бюджетдан ташқари фондлар ва тижорат банкининг кредит линияси очиш бўйича бош битим тузилади. Бу битимда ўзаро мажбуриятлар келишилади, хусусан, инвестиция лойиҳасини кредитлаш муддати, кредитлашни имтиёзли даври, имтиёзли фоиз ставкаси, банк маржаси ва бошқалар кўрсатилади. Бюджетдан ташқари фонд бир нечта тижорат банклари билан ва бир тижорат банки бир нечта фондлар билан битим тузиши мумкин. Битим тузилгандан сўнг Фонд ва Бош тижорат банки ўртасида кредит линияси очиш бўйича кредит шартномаси тузилади. Бундай кредит шартномаси юқори бошқарув муассасаларининг рухсати билан вилоятлардаги бўлимлари ўртасида ҳам тузилиши мумкин. Фондлардан олинган кредит ресурсларининг фойдаланилмай қолган қисми учун ҳам тижорат банки Марказий Банкнинг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси бўйича фоиз тўлайди.

Фондлардан олинган кредит ресурсларини қайтариш муддати тугаши билан мижозларга берилган кредитларнинг қайтиш қайтмаслигидан қатъий назар, тижорат банкларининг ҳисоб рақамидан фондларнинг ҳисоб рақамига кредит фоизлари билан қайтарилади. Бюджетдан ташқари Фонд ходимлари тижорат банк вакиллари билан биргаликда жойларга чиқиб, кредитдан мақсадли фойдаланилаётганлигини назорат қилишлари ва айрим хатоларга йўл қўйилганда ёки мақсадли фойдаланилмаганда тижорат банкдан кредит суммасини ва унинг фоизини қайтарилишини талаб қилиши мумкин. Тижорат банклари бюджетдан ташқари фондларга ва Марказий Банкнинг иқтисодий

таҳлил департаментига ҳар ойига ҳисобот топшириб туради. Шунингдек, бюджетдан ташқари Фонд ҳам ҳар ойига Молия Вазирлигига давлат маблағлари ҳисобидан берилган кредит маблағларини бериши ва қайтарилиши тўғрисида ҳисобот бериб боради.

Кредит линиясини очиш учун кредит аризасини кўриб чиқиш муддати: тижорат банклари бўлимларида 10 иш куни, вилоят бўлимида 15 иш куни, республика банкида 20 иш куни муддат сифатида белгиланади. Кредитни бериш жараёнида унинг муддатини белгилаш катта аҳамиятга эга. Чунки, кредит қанчалик узоқ муддатга берилган бўлса, уни қайтариш билан боғлиқ хавф-хатар шунчалик юқори бўлади. Шу сабабли, узоқ вақт оралиғида кредит олган мижознинг фаолиятида кўзда тутилмаган турли хил ҳолатлар юзага келиши мумкинки, буларнинг барчаси пировард натижада кредитни қайтаришни қийинлаштириб қўяди. Шуларни ҳисобга олиб, жаҳон банк амалиётида 3 йилгача муддатга бериладиган кредитлар тижорат банклари учун маъқул ва қулай кредитлар ҳисобланади.

Маълумки, кредитлаш муддатига қараб қиска (1 йилгача), ўрта (1-3 йил) ва узоқ муддатли (3йилдан ошиқ) кредитларга бўлинади. Ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги» ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27-майдаги «Кичик ва ўрта тадбиркорлик механизмини такомиллаштиришни ривожлантириш тўғрисидаги 232 сонли қарори ва 1999 йил 10 - июндаги «Олий Мажлис 14 сессиядаги Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқининг асосий моҳиятини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш бўйича» 296 қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 1999 йил 29 июнида «Хусусий тадбиркорларни, кичик ва ўрта бизнес субъектларини тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан кредитлаш тартиби» жорий қилинган. Бу тартиб Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланиб, тегишли давлат муассасалари

билан келишилган ҳолда Адлия Вазирлигининг 1999 йил 20 йилдаги 775-сонли қарори билан рўйхатдан ўтказилган.

Фермер хўжаликларга микро кредитлар бериш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2000 йил 22 февралда чиқарилган 463 ва 464 сонли қарорига мувофиқ фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби жорий қилинди. Бу тартиб юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомини олмасдан яқка тартибда фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари субъектларини ривожланиши учун шарт шароитлар яратишига йўналтирилган.

Микрокредитлар деганда кредит бериладиган кундаги биржадан ташқари валюта бозори курси ҳисобида фермер хўжаликлари 10000 (ўн минг) АҚШ доллари, деҳқон хўжаликлари эса 5(беш минг) АҚШ доллари эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

Миллий валютада микрокредитлар бериш тартиби. Микрокредитлашнинг субъектлари бўлиб фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар (ишлаб чиқариш соҳасида ўртача ходимлар сони 10 кишигача), кичик корхона (саноатда 40, қишлоқ хўжалигида 20, савдода 10 кишигача) кабилар ҳисобланади. Шунингдек бу кредитлар фақат Ўзбекистон резидентларига (фуқароларига) берилади. Тижорат банклари микрокредитларини қарз олувчиларга шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга берилади. Кредитлар миқдорнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами жойлашган манзил бўйича берилади.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари микрокредитларнинг 50% гача миқдорини аҳолидан чорва моллари, парранда ва кўчатларни сотиб олишга, 1,5 йил (18 ой) гача бўлган муддатда қайтариш шarti билан, нақд пулда беришига руҳсат берилади.

Микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун берилади:

1-кичик (мини) ускуналарни харид қилиш;

2- хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, чорва моллари, ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария дори дармонлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари ва минерал ўғитларни сотиб олиш;

-хом-ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш;

4-меҳнат қуроллари, хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи ашёларни харид қилиш;

5-маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;

6-кичик кўламдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

7-тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари (хунармандчилик, сайёҳлик, соғликни сақлаш ва х.к.;

Микрокредитлар қуйидаги мақсадларга берилиши мумкин эмас:

-илгари олган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни қоплаш:

-тамакичилик ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш:

-савдо воситачилик фаолиятини амалга ошириш:

-ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган, шахсий мулкни харид қилиш.

Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк уртасидаги узаро келишувга қура кредит шартномаси асосида, аммо Марказий Банк томонидан расман ўрнатилган қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади.

Махсус микрокредитлаш жамгармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаларини белгилаш мумкин.

Микрокредитлар олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

-кредит буюртмаси:

-пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган бизнес-режа:

-охирги ҳисобот санасига Давлат солиқ хизматнинг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақидаги маълумотнома (2-шакл), шунингдек, 90

кундан ортик муддатга қарздорликни солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар ҳақида ҳисобот (2-шакл).

Чет эл валютасида микрокредитлар бериш тартиби. Тижорат банклари ўз Низомларига ва валюта операцияларини амалга ошириш учун уларга Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан берилган лицензияда берилган ҳуқуқларга мувофиқ равишда, фақат ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, хом-ашё ва бутловчи қисмларни импорт йўли билан харид қилишга чет эл валютасида микрокредитлар беришлари мумкин. Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги микрокредитлар ўз кредит ресурслари ва четдан жалб қилинган кредит маблағлари, шу жумладан хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан амалга оширилади.

Чет эл валютасидаги микрокредитлар банклар билан қарз оловчилар ўртасида тузиладиган кредит шартномаларида белгиланадиган тижорат шартлари асосида нақдсиз шаклда берилади. Чет эл валютасида берилган кредитлар бўйича фоизларнинг тўлови, тўлов санасидаги биржадан ташқари валюта бозори курси бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Асосий қарзни тўлаш чет эл валютасида амалга оширилади, қарздорнинг чет эл валютасидаги ҳисоб рақамида маблағ мавжуд бўлмаган тақдирда тўлов санасидаги биржадан ташқари валюта бозори курси бўйича миллий валютада тўланиши мумкин. Четдан жалб қилинган кредит маблағлари ҳисобидан чет эл валютасида микрокредитлар бериш тижорат банкларига хорижий кредит линияларини ажратиш шартларига мувофиқ амалга оширилади. Қарз оловчиларга чет эл валютасида кредит бериш жараёнида кредитни қайтариш таъминотига эга бўлишлари, тижорат банкларидан олдин олинган кредитларга доир мажбуриятларни ўз вақтида бажарган бўлишлари лозим.

Юқорида кўрсатилган кредит турларининг ҳаммаси қишлоқ хўжалик корхоналарига берилсада, улар лизинг кредитчилик катта аҳамиятга эга эмас. Бунинг сабаби шуки, лизинг кредити айлнама маблағ етишмовчилигини тўлдиришдан ташқари, инвестицион мақсаддаги

товарларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин. Бу эса қишлоқ хўжалик корхоналарига имтиёз беришда жуда муҳим аҳамиятга эга ва катта қулайлик туғдирувчи омил бўлиб ҳисобланади. Шунини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликларига лизинг кредити эвазига қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш нуқтаи - назаридан жиддий аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, лизинг кредитидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш қишлоқ хўжалик корхоналарини нафақат фаоллигини оширади, балки уларни замонавий техника билан қуроллантириш асосида ишлаб чиқариш фаолиятини интенсивлаштиришни ҳам тезлаштиради.

**2-Боб. Избоскан туманидаги Урганжи замин сардори фермер
хўжалигининг табиий шароити ва иқтисодий
кўрсаткичлари таҳлили**

**2.1. Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер
хўжалигининг табиий - иқтисодий шароитлари**

Избоскан туманининг Урганжи массивидаги Урганжи замин сардори фермер хўжалигига 1967 йилда туғилган Ниёзов Шухрат бошчилик қилиб келмоқда. У олий маълумотли зоотехник бўлиб, Андижон пахтачилик институтини тугатган. У касби бўйича Избоскан туманида Урганжи ширкат хўжалигида зоотехник бўлиб ишлаган. Ғарб томондан хўжалик “Низомий асл омади”, шимол томондан “Абудухошим зироаткор ерлари”, жануб томондан “Абдурайим ота” фермер хўжаликлари ва Шарқ томонда “Порлоқ Избоскан” фермер хўжалиги билан чегарадош. Хўжалик Эркин МФЙ ўрамида жойлашган. Фермер хўжалиги асосан оқава сувлардан фойдалагнади, “Чагир” СИУга аъзо. Хўжалик вилоят марказидан 27 км, туман марказидан 6 км узоқликдаги масофада жойлашган. Хўжалик ОАЖ МТПдан 2км, Ўзкимёдан 6км, нефтбазадан 6км, дон қабул қилиш шахобчасидан 6км, Пахта тозалаш заводидан 6км, пиллакашлик корхонасидан 6км узоқликда жойлашган. Хўжалик Избоскан туман миллий банкида ҳисоб рақамига эга бўлиб: 20208000004958109001, МФО 00903, ИФН 302197362. Хўжалик юқорида номлари кўрсатилган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи барча ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Хўжаликнинг жами экин экадиган майдони 173,0 га бўлиб, ерлари қора тупроқли, 6 контурга бўлинган. Шундан 87га ерга пахта ва 86га ерга буғдой экилади. Хўжаликда пахтанинг “Султон” ва буғдойнинг “Крошка” навлари экилади. Пахта экини бир йилда 6 марта, буғдой 3 марта ўғитланади. Пахта 4 марта, буғдой 3 марта суғорилади.

Урганжи массивидаги Урганжи замин сардори фермер хўжалигининг экин майдонлари таркиби қуйидаги 2-жадвалда берилган. Хўжаликнинг

ихтиёрида бўлган жами ерларнинг ҳажми 201,4 га бўлиб, шундан 173,0 га экин майдонига тўғри келади. Шунингдек, 9,2 га кўп йиллик дарахатлар, 8,4 га ер ариқлар, йўлларга 2,4, иморатга 3,2га ер ажратилган. Урганжи замин сардори фермер хўжалигининг ерларини эътиборли жиҳати шуки, контурларнинг ҳажмида бир текислик йўқ. Контурларнинг энг кичиги 9га бўлса, энг каттаси 40га га тенг. Бошқа бир эътибрга лойиқ жиҳати, фермер хўжалигининг умумий ер майдонида кўп йиллик дарахтзорлар, асосан тутзорларнинг улуши ката бўлиб, пиллачиликни ривожлантириш учун катта имконият мавжуд.

2-жадвал

«Урганжи замин сардори» фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкалари таркиби тўғрисида маълумот (гектар)

Контур рақами	Жами ер Майдони	Экин майдони	Шу жумладан:				Ер майдонининг бонитет балли
			Кўп йиллик дарахтлар	Ариқ	Йўл	Иморат	
1		9					51
2		40					52
3		33					50
4		28					51
5		31					52
6		32					50
Жами	201,4	173	9,2	8,4	2,4	3,2	51

Шунингдек, хўжаликда 1та Т40 трактори, 2та ТЛ-5060 трактори, 1та прицеп, 1та прх, 1та 2010 йилда 7 йил муддатга лизингга олинган МТЗ 80-11 трактори мавжуд. Уларнинг ҳаммаси ишга яроқли бўлиб, экинларни ўз вақтида экиб, агротехник тадбирларни кечиктирмай, сифатли амалга ошириш имконини бермоқда.

3-жадвалда Избоскан тумани Урганжи массивидаги Урганжи замин сардори фермер хўжалигининг экин майдони ва унинг таркиби акс эттирилган.

3-жадвал

Избоскан туманидаги «Урганжи замин сардори» фермер хўжалигининг экин майдони ва унинг таркиби

г\р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012й	%	2013й	%	2014й	%	2014 й.да 2012 й.га нисбатан, %
1	Жами экин майдони	га	173	100	173	100	173	100	100,0
1.1	шундан: Пахта	га	87	50,3	86	49,7	87	50,3	100,0
	Ҳосилдорлик	ц\ га	33,0		33,0		35,0		106,1
	Ялпи ҳосил	ц	2871,0		2838		3045,0		106,1
1.2	Дон	га	86	49,7	87	50,3	86	49,7	100,0
	Ҳосилдорлик	ц\ га	64,2		64,0		66,0		102,8
	Ялпи ҳосил	ц	5521,2		5568		5676		102,8
2.	Ходимлар сони	нафар	83	100,0	83	100,0	84	100,0	101,2
2.1.	Пахтачиликда	нафар	70	84,3	70	84,3	71	84,5	101,4
	Дончиликда	нафар	13	15,7	13	15,7	13	15,5	100,0
3	Ерни бонитет бали	балл	51		51		51		

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалиги деҳқончиликка ихтисослаштирилган бўлиб, хўжалик ерларига асосан пахта, дон ва такрорий экинлар экилади. Фермер хўжалигининг экин майдони таҳлил этилаётган 2012 -2014 йилларда ўзгармаган. Хўжаликдаги пахта майдонлари 87 га қолган 86 га эса буғдой экилган майдон. Жами экин майдонига нисбатан пахта майдонларининг улуши охириги уч йилда деярли ўзгармаган ва 50,3 фоизни ташкил этган, ғалла майдонларининг улуши эса 49,7 фоизни ташкил этган. Таҳлил этилаётган даврда, пахта ҳосилдорлиги 33 центнердан 35 центнерга, буғдой ҳосилдорлиги эса 64,2 центнердан 66 центнерга ортган. Ҳосилдорликни ўсишини фермер хўжаликнинг раҳбари ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор

қаратаётганлиги, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан тавсия этилаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ўз вақтида тўлиқ амалга ошираётгани билан изоҳлаш мумкин.

4-жадвал

Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2012 й	2013 й	2014 й	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	173	173	173	100,0
	а) пахта	га	87	86	87	100,0
	б) бугдой	га	86	87	86	100,0
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	350156,9	374452,7	413086,7	118,0
	Шундан иш хаки	м.с	68901,2	73226,8	83110,5	120,6
3	Ходимлар сони	нафар	86	87	87	101,2
4	Ялпи маҳсулот	м.с	425986,9	458380,6	502828,9	118,0
5	Фойда	м.с	75830,0	83927,9	89742,2	118,3
6	Фермер даромади	м.с	144731,2	157154,7	172852,6	119,4
7	1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2462,4	2649,6	2906,5	118,0
	б) фермер даро мади	м.с	836,6	908,4	999,1	119,4
8	1 ходим хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	4953,3	5268,7	5779,6	116,7
	б) иш хаки	м.с	801,2	841,7	955,3	119,2
9	Рентабеллик	%	21,7	22,4	21,7	0,1

4-Жадвал маълумотларига кўра, фермер хўжалигида умумий экин майдони ўзгармаган ҳолда ялпи маҳсулот охириги уч йилда 18%га ортган. Умумий рентабеллик деярли ўзгармаган ҳолда 21,7%ни ташкил этган. Ишлаб чиқариш харажатлари эса мос равишда 18%га ортган. Ушбу кўрсаткичларга мос равишда фойда миқдори 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 118% ташкил этган ҳолос. Уч йил давомидаги инфляцияни ҳисобга олганда фермер

хўжалигининг молиявий аҳволида деярли ўсиш кузатилмаган. Бунинг сабаби - ишлаб чиқаришнинг ялпи харажатларини ялпи маҳсулот ҳажмига нисбатан тенг ўсиб боришидир.

Эришилган рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражада анча пастдир. Оптимал рентабеллик пахта ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари учун камида 45-50 фоизни ташкил этади. Шундагина фермер хўжалиги ўз даромадлари билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг белгиланган суръатларда амалга ошириш имкониятларига эга бўлади.

Фермер хўжаликнинг пахта ва ғалла етиштиришдаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини алоҳида таҳлил қилиш орқали умумий рентабелликни паст даражада бўлишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича хулоса ва таклифлар бериш мумкин.

2.2. Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили

Қишлоқ хўжалигини замон талаблари асосида ривожлантириш тармоқда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш, сифатини кескин яхшилаш ҳамда таннархини пасайтириш билан бевосита боғлиқдир. Бу жараёнда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланаётган харажатларни тежаш билан бир қаторда ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш алоҳида ўрин тутди.

Қишлоқ хўжалигида асосий экин ҳисобланган пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён бир канча иқтисодий муносабатларни амалга оширишда тежамкорлик ва тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланишни талаб этади. Пахтачилик иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ичида табиий омиллар, агротехнологик омиллар, ташкилий омиллар ва иқтисодий омиллар алоҳида ўрин тутди. Айниқса пахта етиштиришда унинг иқтисодий самарадорлигига пахта етиштириш харажатлари кучли таъсир курсатади. Шу асосида мазкур тармоқда иқтисодий самарадорликни оширишда маҳсулот таннархини пасайтириш масалалари асосий уринда туради. Пахта хом ашёси ишлаб чиқариш таннархини шаклланишида харажат моддалари ичида моддий харажатлар алоҳида ўрин тутди. Маълумотларга кўра охириги йилларда пахта хом ашёси етиштириш харажатларини 40-70 фоизгача қисмини моддий харажатлар ташкил қилмоқда. Охириги йилларда моддий харажатлар таркибига кирувчи ресурсларни нархаларини кескин кутарилиши саноатда ишлаб чиқарилиб қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган моддий ресурслар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳолари ўртасидаги номутаносибликка сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва техника воситаларини ҳамда эҳтиёт қисмларни харид баҳоларини бунга яққол мисол келтириш мумкин.

Пахтачиликда моддий ресурслар сарфини камайтиришда асосий ишлаб

чиқариш воситаси ҳисобланган ердан самарали фойдаланиш масалалари алоҳида урин тутати. Чунки, тупроқ унумдорлигининг қай даражада эканлиги унинг сунъий унумдорлигини ошириш учун қанча микдорда минерал уғитлар солинишини белгилайди. Шу ўринда пахтачиликда асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Чунки, мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг катта қисмида мелиоратив ҳолати ёмон. Шунингдек, ерларни шўрланиш даражаси ҳамон юқориликча қолмоқда. Тупроқ банитети ўртача 63 балли ташкил этади. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар нафақат пахта ҳосилдорлигини пасайиши, балки тармоқ рентабеллигига, экологик ҳолатни бузилишига таъсир кўрсатмоқда. Шу асосда қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришда иқтисодий самарадорликка турли омиллар таъсир кўрсатади. Мазкур омилларни аниқлаш ва уларни таъсир этиш даражасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар қайси хўжаликни бирор маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш масалалари ана шу иқтисодий самарадорликка таъсир кўрсатувчи омиллар характерида келиб чиқиб ҳал этилади. Шу нуқтаи назардан Андижон вилояти, Избоскан туманидаги Урганжи замин сардори фермер хўжалигида пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш асосида фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликка эришишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида фермер хўжалигини охириги уч йиллик фаолиятини иқтисодий кўрсаткичлари асосида атрофлича ўрганиб чиқдик. Фермер хўжалиги табиий иқлим, ер шароитлари ва сув билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб асосан пахта ва дон етиштиришга ихтисослаштирилган.

Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда давлат буюртмаси асосида пахта ва бугдой учун шартномавий муносабатлар асосида фаолият ташкил этилган бўлиб, аввало хўжаликда асосий экин ҳисобланган пахта етиштиришни иқтисодий самарадорлиги ўрганиб чиқилди. Бу ҳақдаги батафсил маълумотлар 5-жадвалда акс эттирилган.

5—жадвалда Избоскан тумани Урганжи замин сардори фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган. Жадвал маълумотларига кўра, пахта экинining майдони 2014 йилга келганда 87га бўлиб, ялпи маҳсулот охириги уч йилда 116,8%га ортган. Яъни, мутлак кўрсаткичларда у 234,2млн сўмдан 273,7 млн сўмгача ортган. Худди шу даврда ишлаб чиқариш харажатлари эса қиёсий кўрсаткичларда 117,9%га ортган. Мутлак кўрсаткичларда эса 212,3 млн сўмдан 250,2 млн сўмга ошган. Ялпи маҳсулот қиймати ва ишлаб чиқариш харажатлари ўсиш суръатидаги фарк 1,1 га тенг бўлиб, бу рентабелликни 1 %га камайишига олиб келган. Хўжаликда 1 ходим ҳисобига тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати охириги уч йилда 15,3 %га ошган бўлса, иш ҳақи харажатлари 21 %га ошган. Бу ҳолат ходимларнинг меҳнат мотивациясини яхшилаш учун яхши омил бўлиб ҳисоблансада, самарадорликни яқунловчи кўрсаткич рентабелликни пасайишига олиб келган.

. Ҳосилдорлик кўрсаткичини рентабелликни пасайишига сабаб қилиб кўрсатиш бу ерда нотўғри, чунки у охириги уч йилда 33 ц/гадан 35 ц/га га кўтарилган. Демак, бу ерда асосий сабаб ва омил бўлиб фақатгина ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг таркибидаги ўзгаришлар бўлиб ҳисобланади.

Эътиборга лойиқ жиҳати шуки, пахта етиштириш билан машғул бўлган ишчиларнинг ойлик иш ҳақини ўсиши 22,7% етган ва у ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўзгаришига ҳамоҳанг тарзда ўзгариб борган. Бу ишчи ходимларнинг меҳнат мотивациясини яхшилаш учун яхши омил бўлиб ҳисобланади. Иш ҳақи харажатлари хўжаликнинг пахта етиштириш бўйича жами харажатларининг 25 % ташкил этган. Бу хўжалик ишчиларига нисбатан ўртача иш ҳақи тўлашини кўрсатади.

Ушбу омилларнинг барчасига катта эътибор бериш зарурати мавжуд. Албатта, бу масалаларни тўғри ҳал этиш ишчи ходимларнинг нафақат манфаатдорлигига, балки билим ва тажрибаларига ҳам боғлиқ. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганларнинг билим ва тажрибасини тинмасдан ошириб боришни таъминлаш керак.

Избоскан туманидаги Урганжи замин сардори фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2012	2013	2014	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	87	86	87	100,0
2	Хосилдорлик	ц/га	33,0	33,0	35,0	106,1
3	Ялпи хосил	ц	2871,0	2838,0	3045,0	106,1
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	212347,8	220887,2	250299,0	117,9
	Шундан иш хаки	м.с	51812,9	54338,3	63575,9	122,7
5	Ходимлар сони	нафар	73	74	74	101,4
6	Ялпи маҳсулот	м.с	234290,8	243789,9	273745,5	116,8
7	Фойда	м.с	21943,1	22902,7	23446,5	106,9
8	Фермер даромади	м.с	73755,9	77240,9	87022,4	118,0
9	1ц пахтани таннархи	сум	73963	77832	82200	111,1
10	1ц пахтани сотиш бахоси	сум	81606	85902	89900	110,2
11	1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2693,0	2834,8	3146,5	116,8
	б) харажатлар	м.с	2440,8	2568,5	2877,0	117,9
	в) фермер даромади	м.с	847,8	898,2	1000,3	118,0
12	1 ходим хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	3209,5	3294,5	3699,3	115,3
	б) иш хаки	м.с	709,8	734,3	859,1	121,0
13	Рентабеллик	%	10,3	10,4	9,4	-1,0

Пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги унинг харажатларини ўзгаришида акс этади. Харажатлар таркиби иқтисодий самарадорлик қайси йўналишда ўзгараётганини кўрсатиб туради. Буни қуйидаги харажатлар таркиби акс жадвал кўрсаткичларида кўриш мумкин.

6 – жадвалда хўжаликдаги пахта ишлаб чиқаришнинг харажатлар таркиби келтирилган. Жадвал кўрсаткичларига кўра, хўжаликда пахта етиштиришда моддий харажатлар охириги уч йилда жами харажатлар таркибида 65%дан 62,8%гача камайган. Лекин, моддий харажатлар таркибига кирувчи уруғлик харажатлари 7,9%дан 10,8%гача, минерал ўғитлар эса

23,8% дан 24,7 %гача ортган, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари эса деярли ўзгармаган, бошқа моддий харажатлар эса 3,5%дан 1,6%га тушиб қолган. Иш ва хизматлар эса 10,3%дан 6%гача камайган. Кўрсаткичлардаги бу ўзгаришлар 2010 йилда лизинг кредити эвазига сотиб олинган МТЗ 80-11 трактори билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Лекин буни хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоботи натижалари асосида ўрганиш керак бўлади.

6-жадвал

Избоскан туманидаги Урганжи замин сардори фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг харажатлари таркиби

№	Харажатлар тури	2012	%	2013	%	2014	%
1	Моддий харажатлар	138026,1	65,0	141588,7	64,1	157187,8	62,8
	а) уруглик	16775,5	7,9	20100,7	9,1	27032,3	10,8
	б) угитлар	50538,8	23,8	54117,4	24,5	61823,9	24,7
	в) Ё.М.М	41407,8	19,5	40201,5	18,2	49308,9	19,7
	г) иш ва хизматлар	21871,8	10,3	18112,8	8,2	15017,9	6
	д) бошқа моддий харажатлар	7432,2	3,5	9056,4	4,1	4004,8	1,6
2	Мехнат хаки харажатлари	51812,9	24,4	54338,3	24,6	63575,9	25,4
3	Ижтимоий ажратмалар	12953,2	6,1	13584,6	6,15	15894,0	6,4
4	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	8069,2	3,8	7951,9	3,8	9511,36	3,8
5	Бошқа харажатлар	1486,4	0,7	3313,3	1,5	4004,8	1,6
	жами	212347,8	100,0	220887,2	100,0	250299,0	100,0

Эътиборга лойиқ жиҳати, фермер хўжалиги томонидан қўшимча қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиниши иш ва хизматларга талабни камайтирган, ёқилғи мойлаш сарф – харажатлари деярли ўзгармаган. Бу хўжаликда ишлаб чиқаришнинг механизациялашув даражасини ошириши юз бераётганини кўрстади. Бу фермер хўжалиги учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни

шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да пахта таннархини аниқлаш услуги ва унинг таркиби келтирилган. Пахта таннархи ишлаб чиқариш харажатларини махсулот бирлигига тўғри келиши асосида аниқланиб уни таркибига моддий харажатлар, иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, асосий воситаларнинг эскириши, яъни амортизацияси ва бошқа харажатлар киради.

Охирги уч йилда ялпи пахта етиштириш таннархи хўжаликда йилига ўртача 5.5%дан ўсган ҳолда, икки йиллик ўсиш суръати 11,1%га тенг бўлган. Мутлақ қийматда эса бу кўрсаткич 73963 сўмдан 82200 млн сўмгача ортган. Нисбатан олиб қараганда фермер хўжалигида пахта таннархини ўсиши даражаси бир хилда қолган. Аслида уни ўсиш суръати пасайиши керак эди. Фермер хўжалигида таннархни пасайтириш борасидаги асосий вазифа яқин 3-5 йил ичида пахта таннархини ўсишини янада пасайтириб, уни камайтириш чора-тадбирларини кўришдир. Ҳозирги кунда пахта таннархини ўсишини тўхтатиш имкониятлари чекланган бўлиб, бу қишлоқ хўжалигини модернизациялаш жараёни билан узвий боғлиқдир. Пахта таннархини ўсишини пасайтириш жараёни қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ўзининг мантикий поёнига етганда бошланади.

Хўжаликнинг пахтани сотиш баҳоси кўрсаткичларига эътибор қаратсак, уч йил давомида 1ц пахтани сотиш баҳоси 10,2 %га ўсган, бу таннархни ўсиш даражасидан паст бўлиб, бу иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида пахта таннархини пасайтириш ишлаб чиқариш харажатларидан тежаб-тергаб фойдаланишни ва пахта ҳосилдорлигини мунтазам ошириб боришни тақозо этади. Ушбу йўналишлар ички омиллар таркибига кириб, улардан қандай фойдаланилиши фермер хўжалигининг раҳбарини самарали бошқарув уулларидан фойдалана олиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

7-жадвалда Избоскан туманидаги Урганжи замин сардори фермер хўжалигининг давлатга пахта сотиш баҳоси ҳақидаги кўрсаткичлар акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер

хўжалигида давлатга пахта сотиш баҳоси охириги йилларда бироз ўсган. Бунда биринчи навга сотиладиган пахта улуши 70%дан 66%гача қисқарган. Иккинчи навга сотиладиган пахта улуши эса 24,6%дан 27%гача ўсган, учинчи навга пахта сотиш 5,4%дан 10%гача ортган. Тўртинчи ва бешинчи

навларга сотиладиган пахта улуши бутунлай йўқ бўлиб кетган. Бу фермер хўжалигида етиштирилаётган ҳосилнинг сифати охириги уч йилда нисбатан ёмонлашуви юз берганини кўрсатиб турибди. Ўртача толали пахтага давлат харид нархларини ортгани нархда сезиларли ўзгариш юз берганини тасдиқлайди ва хўжаликни минимал даражада ялпи фойда олиш имкониятини таъминлаб берган. Вужудга келган ўзгариш кўрсаткичларда ўзаро муносиблик борлигини кўрсатмоқда. Яъни, ишлаб чиқариш харажатлари билан ялпи маҳсулотни ўсиш суръатларида ўзаро тўғри пропорционаллик мавжуд. Бироқ, маҳсулотнинг материал сиғими камайиб, фонд сиғими ортган. Меҳнат сиғими ҳам ортиб кетган. Эътиборга лойиқ жиҳат шуки, пахта етиштиришнинг рентабеллиги 1 фоизга пасайиши ва паст даражаллиги хўжаликнинг умумий рентабеллик кўрсаткичини паст даражада бўлишига олиб келган. Буғдой экинидаги нисбатан юқори рентабеллик даражаси хўжалик кўрсаткичини юқори даражада сақлаб қолиш имконини бермаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Урганжи замин сардори фермер хўжалигида моддий харажатларни, яъни ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатларини ўсиши барқарор тусга кирган ва бу иқтисодий жиҳатдан ноижобий ҳолат ҳисобланади. Эндиги қилинадиган ишлар ва кўриладиган чораларнинг йўналиши харажатларни ўсишини пасайтириш ва хўжаликда моддий харажатлардан келадиган самарани кўпайтиришга хизмат қилувчи ўзгаришларни амалга ошириш керак. Бу эса ерларнинг унумдорлиги кўтариш учун унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг механизация даражасини ошириш асосида тежамкорлик ва ишлаб чиқаришнинг интенсивлигини кўтариш каби чораларга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигини тасдиқлайди.

**Избоскан туманидаги Урганжи замин сардори фермер хўжалигида
давлатга пахтани сотиш навлари**

	Синфлари	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
Саноат							
Саноат нави		Микдори		Микдори		Микдори	
		центнер,	%	центнер,	%	центнер,	%
1	1	1866,2	65	1702,8	60	1948,8	64
	2	143,6	5	141,9	5	60,9	2
	3	0,0	0	0,0			
	Жами	2009,7	70	1844,7	65	2009,7	66
2	1	525,4	18,3	283,8	10	517,65	17
	2	180,9	6,3	425,7	15	304,5	10
	3			0,0			
	Жами	706,3	24,6	709,5	25	822,15	27
3	1	155,0	5,4	283,8	10	213,15	7
	2			0			
	3			0			
	Жами	155,0	5,4	283,8	10	213,15	7
	1						
	2						
4	3						
	Жами						
5	1						
	2						
	Хаммаси	2871	100	2838	100	3045	100

Қуйида келтирилган 8 - жадвалда Урганжи замин сардори фермер хўжалигини пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини Избоскан туманининг ўртача кўрсаткичлари билан таққослама фарқи келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларига кўра, хўжаликда ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича фарқ 9%, 1 центнер пахтани таннархи бўйича фарқ 8 минг сўм, сотиш баҳосидаги фарқ эса 14 минг сўмни ташкил этади ва хўжалик кўрсаткичи туман кўрсаткичига нисбатан юқори. 1га ерга фойда ва рентабеллик кўрсаткичи бўйича ҳам туман кўрсаткичидан анча юқори.

8-жадвал

**Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигини
Избоскан тумани билан пахта етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари (2014 й.)**

№	Курсаткичлар	Улчов бирлиги	Андижон вилоятида 2014 йил пахтачилик даги 2714 та фермер хўжаликлари бўйича	Избоскан туманидаги 2014 йил пахтачиликдаги жами фермер хўжаликлари бўйича	Урганжи замин сардори фермер хўжалиги бўйича	Урганжи замин сардори фермер хўжалигида Андижон вилояти бўйича ўртача кўрсат кичларга нисбатан ,%	Урганжи замин сардори фермер хўжалигида Избоскан тумани бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбатан ,%
1	Экин майдони	га.	93400	8350	87	X	X
2	Хосилдорлик	ц\га	31	33,3	35,0	112,9	105,1
3	Ялпи хосил	центнер	2895400	278055,0	3045	X	X
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.сум	235656606	23 020 173,5	250299,0	X	X
5	Шундан: иш хаки	м.сум	61742031	5639942	63575,9	X	X
6	1 центнер пахтани таннархи	сум	81390	82790	82200	101,0	99,3
7	1 центнер пахтани сотиш бахоси	сум	87235	89600	89900	103,1	100,3
8	Ялпи махсулот	м.сум	252580219	24913728	273745,5	X	X
9	Фойда	м.сум	16923613	1893554,6	23446,5	X	X
10	1 га хисобига:						
	а)харажатлар	м.сум	2523,09	2756,9	2877,0	114,0	104,4
11	а) ялпи махсулот	м.сум	2704,285	2983,7	3146,5	116,4	105,5
12	б) фойда	м.сум	181,195	226,8	269,5	148,7	118,8
13	Рентабеллик	%	7,2	8,2	9,4	2,2	1,1

Хулоса қилиб айтганда “Урганжи замин сардори” фермер хўжалиги Избоскан туманидаги барқарор ривожланаётган фермер хўжаликлардан бири бўлиб ҳисобланади. Лекин, фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлан тириш бўйича ҳали фойдаланилмаган имкониятлари мавжуд. Бу имкониятлар фермер хўжалигида лизинг кредити эвазига сотиб олинган янги кишлоқ хўжалик техникалари эвазига ишлаб чиқаришнинг механизациялашув даражасини янада кўтариш билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг механизация даражасини кўтариш нафақат қўл меҳнатини камайтиради, балки ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш ва агротехнологик тадбирларни тез ва сифатли ўтказиш имкониятларини кўпайтиради. Бу эса ҳосилдорликни ортиши, ресурсларни тежамкорлигини ўсиши билан ҳамоханг тарзда иқтисодий самарадорликни ҳам ортишига олиб келади.

Урганжи замин сардори фермер хўжалиги учун бошқа бир етакчи экин тури бўлиб давлат буюртмасига кўра буғдой етиштириш бўлиб ҳисобланади. Бу экин тури бўйича хўжаликнинг ҳосилдорлик ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари анча яхши бўлиб, охириги 2 йилда бироз ошган. Буғдой етиштиришдаги иқтисодий самарадорлик маълум бир даражада хўжалик молиявий ҳолатини барқарорлигини таъминлаб берган.

Қуйида келтирилган 9-жадвалда “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигининг буғдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган. Жадвал маълумотларига кўра, буғдой экин майдони таҳлил этилаётган даврда ўзгармаган ва 2014 йилда 86 гани ташкил этган. Ҳосилдорлик эса 64,2 центнердан 66,0 центнергача ортган. Ялпи ҳосилни ўсиш суръати уч йилда 2,8% ўсган ҳолда ишлаб чиқариш ҳаражатлари 18,1 %га ортган. Ялпи маҳсулот қиймати эса эса 119,5 %га ортган. Бу ишлаб чиқариш жараёнида кичик миқдорда интенсив иқтисодий ўсиш юз бераётганини кўрсатади. Бу ижобий ҳолат бўлиб, у фермер хўжалигида буғдой учун ажратилган ер майдони ўзгармаган шароитда юз бермоқда.

**Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида
бўғдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги**

№	Кўрсаткичлар	улчов бирлиги	2012	2013	2014	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	86	87	86	100,0
2	Хосилдорлик	ц/га	64,2	64,0	66,0	102,8
3	Ялпи хосил	ц	5521,2	5568,0	5676,0	102,8
4	Ишлаб чиқариш хара-жатлари	м.с	137809,2	153565,4	162787,7	118,1
	Шундан иш хаки	м.с	17088,3	18888,5	19534,5	114,3
5	Ходимлар сони	нафар	13	13	13	100,0
6	Ялпи маҳсулот	м.с	191696,1	214590,7	229083,4	119,5
7	Фойда	м.с	53886,9	61025,3	66295,7	123,0
8	Фермер даромади	м.с	70975,2	79913,8	85830,2	120,9
9	1ц бугдойни таннархи	сум	24960	27580	28680	114,9
10	1ц бугдойни сотиш баҳоси	сум	34720	38540	40360	116,2
11	1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2229,0	2466,6	2663,8	119,5
	б) харажатлар	м.с	1602,4	1765,1	1892,9	118,1
	б) фермер даромади	м.с	825,3	918,5	998,0	120,9
12	1 ходим хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	14745,9	16507,0	17621,8	119,5
	б) иш хаки	м.с	1314,5	1453,0	1502,7	114,3
13	Рентабеллик	%	39,1	39,7	40,7	1,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда бўғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги унча катта бўлмаган миқдорда ортиб борган. Яъни, бўғдой ишлаб чиқаришнинг асосий якунловчи иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик 39,1 фоиздан 40,7 фоизга ёки – 1,6 даражага ортган. Бунинг асосий сабаби ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларига қараганда юқори даражада ўсишидир. Шунингдек сотиш баҳосини ўсиши (16,2%) таннархга (14,9%) нисбатан бир оз жадал ўсиши даромадни ортишига олиб келган.

**Избоскан туманидаги Урганжи замин сардори фермер
хўжалигида етиштирилган буғдой таннархи ва уни харажат турлари
бўйича тақсимланиши**

№	Харажатлар тури	2012	%	2013	%	2014	%
1	Моддий харажатлар	105010,6	76,2	118399,0	77,1	123555,8	75,9
	а) уруглик	18604,2	13,5	20731,3	13,5	21976,3	13,5
	б) угитлар	37484,1	27,2	42230,5	27,5	44278,2	27,2
	в) Ё.М.М	17226,1	12,5	18888,5	12,3	19860,1	12,2
	г) иш ва хизматлар	23427,6	17	26413,3	17,2	27673,9	17
	д) бошка моддий харажатлар	8268,5	6	10135,3	6,6	9767,3	6
2	Меҳнат хаки харажатлари	17088,3	12,4	18888,5	12,3	19534,5	12
	Ижтимоий ажратмалар	4272,1	3,1	4722,1	3,1	4883,6	3,0
4.	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	5236,7	3,8	5374,8	3,5	5697,6	3,5
5	Бошка харажатлар	6201,4	4,5	6142,6	4	9116,1	5,6
	жами	137809,2	100	153565,4	100,0	162787,7	100,0

“Урганжи замин сардори” фермер хўжалигини буғдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлиги гарчи уч йил давомида бир оз ошган бўлсада, ҳали талаб даражасидан анча паст.

10-жадвалда Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигини туманидаги Избоскан тумани билан буғдой етиштиришнинг солиштирама иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида туманга нисбатан ҳосилдорлик 0,84%га юқори холос. Фермер хўжалида буғдой етиштириш таннархи туман кўрсаткичига бир оз паст, сотиш баҳоси ҳам бир оз юқори. Бу эса иқтисодий самарадорликнинг яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик кўрсаткичини ҳам туманига нисбатан 0,84 даражага юқорилигини таъминлайди.

11-жадвал

**Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигини
Избоскан тумани билан бугдой етиштиришнинг солиштирма иқтисодий
кўрсаткичлари (2014й.)**

№	Курсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Избоскан туманида 2014 йил бугдой етиш тиришдаги жами фермер хўжалиги бўйича	Избоскан туманидаги Урганжи замин сардори фермер хўжалиги бўйича	Урганжи замин сардори фермер хўжалигида Избоскан тумани бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбатан , %
1	Экин майдони	га.	6495	86	X
2	Хосилдорлик	ц\га	65,9	66,0	100,2
3	Ялпи хосил	центнер	428020,5	5676	X
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.сум	12 318 430,0	162787,7	X
5	Шундан: иш хаки	м.сум	1231843	19534,5	X
6	1 центнер бугдойни таннархи	сум	28780	28680	99,7
7	1 центнер бугдойни сотиш бахоси	сум	40260	40360	100,2
8	Ялпи махсулот	м.сум	17232105	229083,4	X
9	Фойда	м.сум	4913675,3	66295,7	X
10	1 га хисобига:				
	а)харажатлар	м.сум	1896,6	1892,9	99,8
11	а) ялпи махсулот	м.сум	2653,1	2663,8	100,4
12	б) фойда	м.сум	756,5	770,9	101,9
13	Рентабеллик	%	39,9	40,7	0,84

Хулоса қилиб айтганда, “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича муаммолар юзага келган ва фойдаланилмаган имкониятларни излаб топиш керак. Муаммоларнинг манбаи бўлиб пахтачиликда рентабелликни жуда пастдаражада эканлиги ҳисобланади. Ушбу вазиятдан чиқишнинг энг тўғри йўли - агротехник чора - тадбирларни ўз вақтида ва самарали ўтказишни йўлга қўйиш орқали ортиқча ресурс сарф - харажати кескин камайтиришга эришиш керак. Акс ҳолда, хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида материал

сиғими юқори даражада бўлиши эвазига зарар кўради ва қарздорлик ҳолатига тушиб қолади. Хўжаликда агротехник тадбирларни ўтказишда қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Чунки, механизациялашув даражасини ўсиши ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга замин яратади. Бу эса лизинг кредитидан самарали фойдаланган ҳолда янги қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олишни тақозо этади.

2.3. Урганжи замин сардори фермер хўжалигида пахта етиштириш агротехнологияси

Ерга ишлов бермасдан унда экин етиштириб бўлмайди. Тупроқ ўсимлик илдизи учун етарли даражада юмшоқ бўлганда, унинг суви, физик хусусиятлари ва микроорганизмларнинг фаолияти яхши бўлади. Ерни ишлаш деганда уни шудгор қилиш, текислаш, асосий ишлов бериш, бороналаш, культивациялаш, чизеллаш, мола босиш кабилар тушунилади.

Бир-бири билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган тупроққа хар хил механик таъсир этишларга ерни ишлаш тизими дейилади. Ерни ишланганда тупроқ (сув, хаво, иссиқлик ва озик) режимларининг яхши бўлиши учун қулай шароит яратилади, яъни хайдалма қатлам тузилиши ва унинг донаторлиги ўзгаради; тупроқнинг қуйи қатламидаги озик моддалар юқорига кўтарилиб, унинг айланиши даври ва микробиологик жараёнлар тезлантилади; бегона ўтлар йўқотилади; органо-минерал ўғит ва анғизлар тупроққа қўшилади; тупроқ юза қатламида ёки ўсимлик қолдиқларида яшаётган экинларнинг зараркунанда ва касаллик қўзғатувчилари йўқотилади; ерни экин экишга тайёрлаш, эгат ва жўяк олиш ҳамда экинни парвариш қилишда қатор орасига ишлов бериш; бегона ўтларни йўқотиш каби ишлар бажарилади.

Урганжи замин сардори фермер хўжалигида ерни ишлашда қуйидаги технологик жараёнлар амалга оширилади: ер қатлами ағдарилади, аралаштирилади ва юмшатилади; бегона ўт илдизлари қирқилади, тупроқ зичланади, текисланади, эгат ва жўяк олинади. Ер юза хайдов чуқурлигида юмшатилади. Хайдалма қатлам тупроғини аралаштириш натижасида тупроқдаги органик ва минерал ўғитлар, микроорганизмлар хайдалма қатламда бир текис тақсимланиб, тупроқ унумдорлиги оширалади. Тупроқни зичлаш, яъни мола бостириб капилляр ғоваклиги орттирилади. Экилган уруғларни пастки қатламда намлик билан яхши таъминланади. Чунки, суғориладиган деҳқончиликда ерни текислашнинг экин экиш ва уни парвариш қилиш учун аҳамияти катта, бунда сифатли экиш, суғориш, парвариш қилиш учун шароит яратилади.

Ер ҳайдалганда ағдарилаётган қатламлар 135-145 қияликда бир-бирига ёнбошлайди. Ерни хайдаш сифати плуг ағдаргич (отвал) ларининг шаклига боғлиқ. Улар винтсимон, цилиндрсимон, ярим винтсимон ва маданий бўлади.

Маданий отвалли плуглар қатламни яхши увоклайди ва ағдаради. 1870 йили Рудольф Сакк ярим винтли ва цилиндрик отвалли плуглардан маданий отвалли плуг яратди. Бу плугнинг асосий корпуси олдида кенглиги асосий корпуснинг $\frac{2}{3}$ қисмига тенг келадиган чимқирқар ўрнатилган. Хозирги вақтда ер кўпроқ П-5-35 М, ПН-4-35 маркали тиркама ёки осма плуглар билан хайдалмоқда. Кейинги йилларда чимқирқарнинг кенглигини 27 см гача узайтирилган. ПЯ-3-35 маркали икки ярусли плуглардан фойдаланилмоқда. Хозирги даврда шамол эрозиясига мойил ерларни ағдармасдан, анғизлар сақланган холда асосий ишлов бериш усули кенг қўлланилмоқда.

Ерни сифатли ишлаш қўлланилаётган қуролнинг тузилишига, яъни плуг отвалининг шаклига, ишчи органларнинг турига, агрегатнинг юриш тезлигига ва тупроқнинг технологик хоссаларига боғлиқ. Тупроқнинг технологик хусусияти унинг илашимлилиги, ёпишқоқлиги ва хажмий оғирлиги билан ифодаланади. Бу хусусият унинг намлиги, механик таркиби, қаттиқлиги, донадорлиги ва бошқалар билан белгиланади. Ернинг сифатли ишланиши даланинг ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтлар билан ифлосланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Сернам ер хайдалганда яхши майдаланмайди, қатлами увокланмайди, қуруқ хайдалганда эса катта-катта палахсалар кўчади, оғир ва енгил соз тупроқли ерлар намлиги тўла нам сиғимига нисбатан 40-60% бўлганда хайдалади, чунки у яхши увокланади. Тупроқ намлиги ортиқ бўлса у ҳайдов тракторининг ишчи органларга ёпишиб, ер сифатсиз хайдалади.

Ер асоси 2 усулда, яъни айланма ёки шаклли ва тахта (загон) ларга бўлиб хайдалади. Айланма ёки шаклли хайдаш участканинг уртаси ёки чеккасидан бошланади. Бунда плуг қайрилишларда хайдаш чуқурлигидан кўтарилмайди хайдаш эса участканинг ўртаси ёки четида тугалланади. Бу усулда хайдаш

чуқурлиги ҳамма ерда бир текис булмайди. Шунинг учун дехкончиликда айланма ёки шаклли хайдаш усули ман этилган.

Дала тўғри тахталарга – загонларга бўлиб хайдалганда сифатли бўлади. Тракторнинг салт юришини марза ва эгатлар сонини камайтириш учун тахтанинг эни 40-80 м бўлиб, ер соатига 7-7, 5 км тезликда хайдалади, катлам яхши ағдарилади, увокланади ва текис бўлади. Хайдов сифати ерни хайдаш вақтида ёки хайдалгандан кейин текширилади. Ернинг сифатли хайдалиши учун тадбир ўз вақтида ўтказилади, чуқурлиги агрегат буриладиган жойдан тахтанинг охиригача бир хил бўлади.

Ерни сифатли хайдалаш учун катлам тўла ағдарилади, акс ҳолда эрта баҳорда беда ёки бегона ўтлар ўсиб чиқади, органик массалар тупроққа яхши кўмилмай, экин сифатсиз экилади. Органик массалар, хас ва чўпларнинг 10 фоизи тупроққа кўмилмай қолса, ер сифатсиз хайдалган ҳисобланади. Диаметри 5 см дан катта кесаклар палахса ҳисобланади. 1 м да ўртача 5 та дан ортик палахса бўлса, хайдаш қониқарсиз ҳисобланади.

Фермер хўжалигида минерал ўғитларлардан ҳам самарали фойдаланишга эътибор берилади. Бунда қуйида келтирилган йиллик меъёрлардан фойдаланилади.

Ўсимликларни тупроқдан озуқа моддаларни олиб чиқиб кетиши, уларнинг тури ва навига ҳам боғлиқдир. Замонавий агрокимё қишлоқ хўжалик экинлари учун минерал ўғитларнинг йиллик меъёрини ишлаб чиқишнинг асосан тўрт усули мавжуд.

Минерал ўғитларни йиллик меъёрларини ишлаб чиқиш турлари.

1. Агрокимёвий картограмма асосида.
2. Баланс усулида.
3. Ҳосил билан чиқиб кетадиган озуқа элементларини, ўғитларни ўзлаштириш коэффиценти асосида.
4. Режалаштирилган ҳосил асосида.

Агрокимёвий картограмма усулидан белгилашда тупроқни озуқа элементи билан таъминланганлик даражаси асос қилиб олинади. Ушбу

усулда йиллик меъёрни аниқлаш, фосфор ва калий бўйича йиллик меъёрни аниқлашда фойдаланилади. Бунинг учун ҳар 5 йилда тупроқни ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан таъминланганлиги асос қилиб олинади.

Баланс усулида йиллик меъёрни аниқлашда, асосан тупроқда мавжуд бўлган ҳамда қўлланилган минерал ўғитларни миқдори билан ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиб эвазига олиб чиқиб кетилган озуқа элементлар ўртасидаги баланс асос қилиб олинади.

Минерал ўғитларни ўзлаштириш асосида йиллик меъёрни ишлаб чиқишда эса, режадаги ҳосил асосида чиқиб кетадиган озуқа элементлари ва уни ташкил этувчи минерал ўғитларни ўзлаштириш коэффиценти асосий омил қилиб олинади ва қуйидаги формула билан аниқланилади:

Минерал ўғитларни ўзлаштириш коэффицентининг

$$K = \frac{X_y - X_c}{C} \times 100 \text{ бунда}$$

K – Ўғит таркибидаги озик моддаларни ўзлаштириш коэффиценти, %

X_y – Ўғитланган майдондан чиқиб кетган озуқа модда миқдори, кг/га

X_c – Ўғитланмаган майдондан чиқиб кетган озуқа модда миқдори кг/га

C - Ўғит билан тупроқга тушган озик модда миқдори кг/га

Режалаштирилган ҳосил бўйича йиллик меъёрни ишлаб чиқишда асосий омил режалаштирилган ҳосил ҳисобланади.

Ҳамма усулларда ҳам ўғитларни йиллик меъёрини аниқлашда, қишлоқ хўжалик экинларини шу озуқа элементига яъни биологик талаби асосий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Ғўзани озуқа элементларига бўлган биологик талаби қуйидагича аниқланилади:

Ғўзанинг биологик талаби

$$B_N = P_x \times 5$$

Бунда, B_N – ғўзани азотга бўлган биологик талаби, кг/га

P_x – режадаги ҳосилдорлик, ц/га

5 – 1 ц пахта ҳосили билан чиқиб кетадиган азот миқдори, кг.

Демак, 30 ц/га пахта хосили олиш учун бир гектар майдондаги ғўза тупроқдан 150 кг/га соф азотни олиш керак экан. Маълумки, тупроқда органик моддалар чиришдан хосил бўлган «Экстра» азот минерал шаклда тўпланиб қолган қолдиқ азот ёки ўғит билан тупроқга тушган шаклдаги азотлар мавжуд бўлади.

Пахтадан 30 ц/га пахта хосили олиш учун ғўзанинг биологик талаби 150 кг/га бўлса, юқоридаги мисолимизда азотни ўзлаштириш даражаси 50% бўлса, ҳосил фақат минерал ўғит эвазига олинadиган бўлса, ўзлаштириш коэффиценти эвазига яна 50% меъёрни ($150 : 2 = 75$ кг/га) 75 кг/га ни қўшиб $150 + 75 = 225$ кг/га қилиб белгиланади.

Минерал ўғитларни йиллик меъёрини белгилашда илмий асосланган тупроқларни типига, механик таркибига ўтмишдош экин турига ва тупроқни шу озуқа модда билан таъминланганлик даражаси асосида табақалаштирилса янада аниқроқ бўлади. М: Агар мисолимиз тупроғи, тўқ тусли бўз тупроқ бўлса, азотни йиллик меъёри қуйидагича аниқланилади: $I_m = 70 \times 0,7 = 49$ кг/га Демак тўқ тусли бўз тупроқ шароитида 70 кг/га эмас балки 49 кг/га ни ташкил этади. Азотни йиллик меъёрини белгилашда ўтмишдош экин ҳам асосий омил бўлади, ва маълум коэффицент асосида аниқлик киритилади. Агар ўтмишдош экин беда бўлиб бузилса у холда 1,2 йиллари йиллик меъёри 0,3 ва 0,7 га 3 йилдан бошлаб эса тўлиқ меъёр берилади.

12 - жадвал

Тупроқ типлари бўйича коэффицентлар

№	Тупроқ типии	Коэффицент
1	Типик бўз тупроқлар	1,0
2	Ўтлоқи тупроқлар	0,8
3	Тўқ тусли бўз тупроқ	0,7
4	Оч тусли бўз тупроқ	1,1
5	Енгил қумоқ тупроқ	1,3
6	Тақирсимон тупроқлар	1,2

Олиб борилган кўп йиллик илмий тадқиқот натижаларининг кўрсатишича тупроқ таркибидаги нитрат жамғармаси асосида ҳам тузатиш коэффициентига эга.

13 - жадвал

Тупроқни NO₃ билан таъминланганлик даражаси

№	Тупроқда NO ₃ миқдори кг/га	Коэффициент	Биологик талаби кг/га	Режадаги хосил ц/га	Азотни йиллик меъёри кг/га
1	0 - 150	1			250
2	151 – 300	0,5	45,0	30,0	125
3	300 <	0			-

Демак, азотни йиллик меъёрини ишлаб чиқишда тупроқдаги нитрат миқдори ҳам асос қилиб олинади. Минерал ўғитларни ўзлаштириш коэффициентини яхшилаш йўллари:

- Ўғитни илмий асосланган йиллик меъёрини ишлаб чиқиш
- Ўғитларни белгиланган муддатда бериш
- Ўғитни ўсимлик ўзлаштира оладиган чуқурлик ва кенгликда қўллаш.
- Ўғитларни сақлаш қоидаларига амал қилиш.

Демак, минерал ўғитларнинг илмий асосланган йиллик меъёрларини ишлаб чиқишда ғўзанинг биологик талаби, ўтмишдош экин тури, тупроқ типи ва турлари, режалаштирилган хосил, тупроқни озик элементлари билан таъминланиш даражаси кабилар асосий кўрсаткичи бўлиб хисобланади.

**3-Боб. Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер
хўжалигида лизинг кредитидан фойдаланиш имкониятларини
ошириш йўллари**

**3.1. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида лизинг
хизматларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи
омиллар**

Бугунги кунда лизинг фаолияти соҳаси Ўзбекистонда иқтисодийнинг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланади. Лизинг деганда, одатда, шартнома муддати давомида мулкчилик ҳуқуқи ижарага берувчида сақланиб қоладиган, ижарага берувчи томонидан ижарага олувчи учун, ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадида харид қилинган машина ва ускуналарнинг узоқ муддатли ижараси тушунилади.

Ҳозирги вақтда республикаимиз лизинг бозорида жами 87 та корхона ва ташкилот лизинг фаолияти билан шуғулланаётган бўлиб, шундан 46 тасини ихтисослашган лизинг компаниялари, 23 тасини тижорат банклари ва 18 тасини бошқа корхоналар ва кичик молиявий муассасалар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор ҳамда яратилаётган қулай шарт-шароитлар лизинг соҳасини республикаимизда жадал ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли қарорига мувофиқ 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, лизинг фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг уч йил муддатга фойда солиғидан ёки лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сонли қарорига мувофиқ лизинг фаолияти билан шуғулланувчи кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 2014 йилнинг 1 январигача муддатга даромад солиғи ва ягона солиқ тўловидан озод этилганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ:

лизинг тўловларини - қўшилган қиймат солиғидан;

лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналарини - божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан;

лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан озод қилинганлиги;

республикамизда лизинг фаолияти билан шуғулланиш учун қулай конунчилик базасининг яратилганлиги, шулар жумласидандир.

Республикамизда яратилган ана шундай қулай муҳит натижасида лизинг фаолияти йилдан-йилга тўхтовсиз ривож топиб бормоқда.

Ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаларини фойдаланувчилар томонидан лизинг орқали харид қилиниши ўз қулайлиги ва мақбуллигини кўрсатмоқда. Бу, Ҳукуматимиз томонидан лизинг соҳасида яратилган имтиёзлари натижасидир.

Ҳукуматнинг 2000 йил 2 ноябрдаги “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ҳамда ҳудудий “Қишлоқхўжаликкимё” акциядорлик жамиятлари учун “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси хизматидан фойдаланишда бир қатор имтиёзли лизинг шартлари белгиланган. Бу имтиёзларга - лизинг объекти қийматининг 15 фоизини олдиндан тўлаб берилиши, тракторлар ва ўрим-йиғим техникаларининг фермер хўжаликларига ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги машина-трактор паркларига 10 йил муддатга, бошқа вилоятлардаги машина-трактор парклари ва “Қишлоқхўжаликкимё” акциядорлик жамиятларига 7 йил муддатга лизингга берилиши, лизинг фоизи йиллик миқдорининг Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаслиги киради.

Компаниянинг асосий мижозлари:

- фермер хўжаликлари;
- машина-трактор парклари;
- “Қишлоқхўжаликкимё” компаниясининг ҳудудий (вилоят ва туман) бўлинмалари;

- “Агротехсервис” корхоналари;
- ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридан иборатдир.

Компания томонидан лизинг операциялари амалга оширилишида қуйидаги лизинг шартлари қўлланилади:

Тракторлар ва комбайнлар учун:

- аванс - техника қийматининг 15 % миқдорида;
- лизинг муддати – 10 йил;
- лизинг даромади фоизи – Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдоридан ошмайди.

Бошқа турдаги қишлоқ хўжалик техникалари учун:

- аванс - техника қийматининг 20-40 % миқдорида;
- лизинг муддати – 3 йилгача;
- лизинг даромади фоизи лизинг шартномаси шартлари асосида белгиланади.

Компания республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғининг маҳаллий ва қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилган 38 турдаги қишлоқ хўжалик техникаларини қишлоқ хўжалигига лизинг асосида етказиб бermoқда. Компания ўз фаолиятини бошлаган 2000 йилдан бошлаб ўтган давр мобайнида республикамиздаги 29 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами 590 млрд. сўмлик қийматдаги 42 минг 890 донадан ортиқ ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга етказиб беришни амалга оширди.

Лизингга етказиб берилган техникалар қиймати бўйича таҳлил қилинганида 2011 йилда Компания томонидан 133,2 млрд. сўмлик қийматдаги техникалар лизингга етказиб берилган бўлиб, бу 2008 йилдаги (48,9 млрд. сўм)га нисбатан 2,7 баробарни ташкил этади. 2012 йилда 167,7 млрд сўм қийматдаги ёки 2011 йилдагига нисбатан 26,0 фоизга кўп қийматдаги техникалар лизингга етказиб берилган.³

Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизингга етказиб берилаётган қишлоқ хўжалик техникалари турлари ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилда 18 турдаги техникалар лизингга етказиб берилган бўлса, 2011 йилда 30 хил турга, 2012 йилда эса 38 турга етказилди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига техника етказиб беришда қуйидаги 3 турдаги иқтисодий механизмдан фойдаланилмоқда:

- лизинг компанияси томонидан қарз (кредит)га олинган маблағ ҳисобидан лизинг объектини сотиб олиб, лизинг олувчига етказиб берилиши;
- тижорат банклари томонидан Марказий банкдан олинган кредит ёки ўз маблағи ҳисобидан лизинг объектини сотиб олиб, лизинг олувчига етказиб берилиши;
- тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхонасига техника сотиб олиш учун кредит ажратилиши.

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағи ҳисобидан лизингга бериладиган Техникалар нархига Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 майдаги 126-сонли қарорига асосан 8,14% чегирма қўлланилиши белгиланган.

³ Қишлоқ хўжалигида лизинг ва ундан фойдаланиш. Қишлоқда бизнес юритишнинг молиявий иқтисодий ва ташкилий жиҳатлари. Фермер учун қўлланма. Х.К.Мамарасулов, А.А.Ташматов, Н.И.Джумабаева, Х.Х.Саидакбаров, И.Б.Рустамова, Б.Досов, М.К.Йўлдошев, А.Расулов, О.Шомуратов, А.Кадырходжаев, Ш.Эрназаров, А.Содиқов. ICARDS, CACAARI. Тошкент 2013. 7-10 бет

Техника (лизинг объекти)ни лизингга расмийлаштириб бериш тартиби.

1. Лизинг олувчи ўзи танлаган техниканинг русуми, сони ва сотувчиси (ишлаб чиқарувчиси)ни кўрсатган ҳолда буюртма хати билан мурожаат қилади ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахснинг давлат статистика органидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги Гувоҳномаси нусхаси;

охирги ҳисобот санасига ҳудудий солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси нусхаси (балансдаги 2-шакл, бюджетга тўловлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома билан бирга);

лизингнинг бутун муддати учун лизинг тўловларининг қопланиши прогнозини кўрсатувчи “Бизнес-режа”;

учинчи шахс кафиллиги ёки гаров шартномаси;

лизингни бутун муддати учун суғурта полиси.

2. Лизинг олувчи тақдим этган ҳужжатлар асосида унинг тўлов қобилияти Компания филиалидаги эксперт ходим томонидан ўрганилади ва Экспертнинг ижобий ёки салбий хулосаси чиқарилиб Эксперт кенгашига тақдим этилади.

3. Эксперт кенгаши “Бизнес режа” лойиҳасининг самарадорлиги бўйича тақдим этилган ҳужжатлар ва эксперт хулосасини кўриб чиққан ҳолда лизинг олувчининг тўлов қобилиятини яна бир бор ўрганиб чиқади ҳамда очик овоз бериш йўли билан тегишлича Йиғилиш қарорини қабул қилади. Қабул қилинган қарор мазмуни тўғрисида 5 кунлик муддат ичида лизинг олувчига хабар берилади.

4. Эксперт кенгашининг техникани лизингга беришни рад этиш тўғрисида қарори қабул қилинган тақдирда, бу ҳақда лизинг олувчига сабаби кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

5. Эксперт кенгашининг ижобий қарори қабул қилинган тақдирда, лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўртасида лизинг шартномаси тузилади.

6. Лизинг олувчи лизинг объекти (трактор)ни суғурталайди ва суғурта полисини лизинг берувчига тақдим этади.

7. Агар, лизинг шартномасига асосан лизинг олувчи учинчи шахс кафиллиги ёки гаровга мол-мулкни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлса, у ҳолда, кафиллик ёки гаров шартномасини лизинг берувчига тақдим этади.

8. Лизинг олувчи лизинг шартномасида белгиланган аванс тўловлари суммасини лизинг берувчига тўлаб беради.

9. Лизинг берувчи томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқни техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг қарз сифатида лизинг лойиҳасига жалб этилади.

10. Олди-сотди шартномаси ва лизинг шартномасида назарда тутилган муддатларда, техника Лизинг олувчига Сотувчи ҳудудида лизингга расмийлаштирилади. Лизинг олувчи техникани ўз маблағи ҳисобидан ва ўзи ёллаган транспорт ёрдамида олиб кетади.

11. Лизинг объекти (агар, у трактор бўлса) Лизинг берувчи томонидан “Давтехназорат”нинг Тошкент шаҳар бўлинмасидан давлат рўйхатидан ўтказилади ва ягона номер белгиси ва техник паспорт олиниб лизинг олувчига топширилади.

12. Лизинг олувчи лизингга олинган тракторни “Давтехназорат”нинг ҳудудий туман бўлинмасидан рўйхатдан ўтказиб, уни бошқариш учун техник талон олади.

13. Лизинг олувчи лизингга олинган тракторга кафолатли таъмирлаш хизмати кўрсатилиши учун уни “Тошкент трактор заводи” ОАЖнинг ва “ЎзКейссервис” қўшма корхонасининг ҳудудий Техник марказларига рўйхатга қўяди.

14. Лизинг олувчи лизинг шартномасида белгиланган муддатларда ва миқдорларда лизинг тўловини амалга оширади.

15. Лизинг берувчи ва “Бошдавтехназорат” инспекциясининг ҳудудий бўлинмаси вакиллари Лизинг олувчининг техникадан қандай шароитларда ва мақсадли фойдаланилаётганлигини таҳлил этиш учун техник мониторинг ўтказди.

16. Лизинг олувчи барча лизинг тўловларини, шунингдек, лизинг берувчининг лизинг шартномаси бўйича қилган харажатларини тўлиқ тўлаб берган тақдирда, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи Лизинг олувчига ўтади ва бу тўғрисида томонлар ўртасида “Далолатнома” расмийлаштирилади.

3.2. Урганжи замин сардори фермер хўжалигида лизинг кредитларидан самарали фойдаланиш имкониятлари

Урганжи замин сардори фермер хўжалиги 2010 йилда Тошкентнинг ТТЗ 80-11 русмли тракторини 7 йил муддатга йилига 7% тўлови билан 63 400 минг сўмга лизинг кредити эвазига сотиб олган. Фермер хўжалигига кафолатни Избоскан туманидаги Сўфи қишлоқ пахта тозалаш заводи берган. Лизинг берувчи корхона сифатида “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” иштирок этган. Узагросуғурта компанияси томонидан битим суғурталанган. Ушбу битим орқали Урганжи замин сардори фермер хўжалиги томонидан ТТЗ да ишлаб чиқарилган тракторни сотиб олиниши жуда катта ютуқ ҳисоблансада, унинг молиявий таъминоти бироз қийинчилик туғдиरोмокда. Бунинг сабаби - фермер хўжалигида ўтган йиллар давомида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларида ўсиш паст даражада бўлганлиги лизинг кредити тўловларини ўз вақтида қоплаб бериш муаммосини келтириб чиқарган. Бу муаммонинг моҳиятини қуйида келтирилган маълумотлар асосида кўриб чиқамиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, лизинг сотиб олинган тракторнинг қиймати 63 400 минг сўмни ташкил этади, жами йиллик тўлов сумаси эса кредитнинг тани, йиллик фоиз суммаси қўшиб ҳисоблаганда 13 млн 495 минг сўмни ташкил этади. Бу биринчи йил тўлов суммаси бўлиб, кейинги йилларда у пасайиб боради. Лекин, Ўзбекистонда қабул қилинган имтиёзлар тартибига кўра, лизинга техника сотиб олган фермер хўжалиги фақат уч йилга солиқ ва бошқа тўловлардан озод қилинади. 4 йилдан бошлаб фермер хўжалиги ҳамма солиқ лар ва йиғимларни тўлиқ тўлаб бериши керак бўлади. Бу ҳолат фермер хўжаликларига ноқулайлик туғдиради ва молиявий ҳолатни ёмонлашувига олиб келади. Қуйида келтирилган 14 - жадвалда Урганжи замин сардори фермер хўжалиги мисолида лизинг кредитини сўндириш имкониятларини баҳолаймиз.

Лизинг кредитидан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш

№	Кўрсаткичлар	Бошланғич кўрсаткичлар (2012й)	2014 й
1	Тракторнинг қиймати	61,588 млн сўм	85,050 млн сўм
2	Йиллик тўлов суммаси	9,06 млн сўм	8,505 млн сўм
3	Йиллик фоиз тўлови	4,311 млн сўм	5,953 млн сўм
4	Жами йиллик тўлов суммаси	13,375 млн сўм	14572 млн сўм
6	Фермер хўжалиги - даги йиллик ялпи фойда	75830 минг с	35944,7 млн сўм
7	Хўжаликнинг соф фойдаси	54352,13 минг с.	21344 млн сўм
8	Хўжаликнинг ялпи маҳсулоти	425986,9 минг с.	502828,9 минг с.
9	Хўжаликнинг ялпи ишлаб чиқариш харажати	350156,9 минг с.	413086,7 минг с.
10	Хўжаликнинг умумий рентабеллик даражаси	21,7 %	21,7 %
11	Пахта етиштириш рентабеллиги	10,3 %	9,4 %
12	Бугдой етиштириш рентабеллиги	39,1 %	40,7 %

Юқорида жадвал маълумотида кўра, 2012 ҳолатига нисбатан солиштирганда Урганжи замин сардори фермер хўжалиги лизинг кредити тўловини ўз вақтида қайтариш учун имкониятга эга. Бунда хўжаликда бугдой етиштириш рентабеллигининг юқорилиги муҳим аҳамиятга эга. 2014 йилга келиб, хўжаликда пахта етиштириш рентабеллиги бир оз пасайган бўлсада, лизинг кредити тўловини тўлаш имконияти мавжуд. Гарчи хўжаликда лизинг кредити тўловини ўз вақтида тўлаш имкони мавжуд бўлсада, хўжаликда айланма маблағлар етишмаслиги келиб чиқиши мумкин. Чунки, бугдой етиштириш харажатлари таркибига эътибор қаратсак, моддий харажатларнинг улуши 76 фоизни ташкил этади, банкнинг имтиёзли кредити

ҳисобидан айланма маблағнинг 60% ташкил этилса, қолган 15%и фермер хўжалиги ўз сармояси ҳисобидан қопланиши керак. Акс ҳолда, фермер хўжаликда кейинги йилга ишлаб чиқаришни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шаклида ташкил этишга қийинчиликлар туғдириб беради.

Фермер хўжалигининг ҳозирги пайтдаги пахта ва ғалла етиштиришдаги иқтисодий самарадорликни яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик кўрсаткичи оптимал даражадан паст бўлганлиги учун ҳам моддий техника базасини мустаҳкамлашда молиявий қийинчиликка дуч келмоқда.

Фермер хўжалигининг экин майдони катталигини ҳисобга олсак, кузги ҳайдов ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш янги техникалар сотиб олишни тақозо этади, чунки фермер хўжалиги ММТП ҳайдов тракторларидан фойдаланади ва табиийки, иш-хизматларга харажатларни ошишига олиб келмоқда.

Истиқболда фермер хўжалигида аввало, пахта ва ғалла етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини оптимал даражага кўтариш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак. Шундагина фермер хўжалигига янги замонавий Магнум ёки Кейс ҳайдов тракторларини лизинг кредитидан самарали фойдаланиш эвазига жалб қилиши мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб хулоса қилсак, фермер хўжаликлари учун лизинг кредити эвазига техника сотиб олишда қўшимча даромад манбаини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Қўшимча даромад олишни ташкил эта олмаган хўжалик лизинг тўловларини амалга оширишга қийинчилик сезади ва қарзга ботиб қолиш хавфини кучайтираверади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Избоскан туманидаги “Урганжи замин сардори” фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш асосида лизинг кредитидан фойдаланиш имкониятларини ошириш масалалари бўйича қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига берилган лизинг кредитлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи муаммоларнинг мавжудлиги. Ушбу муаммолар таркибига асосан икки муаммо киради. Биринчи муаммонинг моҳияти шундаки, тижорат банки лизинг объектини қабул қилиб олиш далолатномаси имзолангандан сўнг лизинг кредитига фоиз ҳисоблашни бошлаш ҳуқуқига эга. Аммо, айрим маъсулиятсиз сотувчилар туфайли лизинг объектини етказиб бериш кечиктирилмоқда. Бунинг натижасида тижорат банклари лизинг кредитларининг даромадлилиги пасаймоқда.

2. Иккинчи муаммонинг моҳияти шундаки, айрим фермер хўжаликлари ўзларининг ишлаб чиқариш – молиявий фаолиятини нормал йўлга қўйишнинг уддасидан чиқмаяптилар. Натижада, улар лизинг тўловларини ўз вақтида амалга ошира олмаяптилар. Бу эса, лизинг кредитидан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда.

3. Тижорат банклари ва лизинг компаниялари томонидан мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатадиган фермер хўжаликларига берилган лизинг кредитлари фоиз ставкаларининг юқори эканлиги.

Тижорат банклари ва лизинг компаниялари томонидан фермер хўжаликларига 2012 йилда берилган лизинг кредитлари фоиз ставкаларининг юқори даражаси 25 фоизни ташкил қилди. Бу эса, инфляция даражасига, ҳукумат қимматли қоғозларининг аукцион даромадлилик даражасига ва тижорат банклари кредитларининг ўртача фоиз ставкасига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган фоиз ставкаси бўлиб, фермер

хўжаликлари фаолиятини лизинг асосида молиялаштириш ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади.

4. Лизинг кредитлари узоқ муддатли ресурсларнинг мавжудлигини талаб этади. Лекин, мамлакатимиз тижорат банкларида бир йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғи 30 фоиздан ошмайди⁴. Мамлакатимиз банкларида мавжуд бўлган узоқ муддатли ресурслар тақчиллиги муаммосини ҳал қилишга кўмаклашиш мақсадида 2009 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1166 – сонли “Тижорат банкларининг кредит лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг депозитларига нисбатан ўрнатиладиган мажбурий захира ставкалари депозитларнинг муддатига кўра куйидаги тартибда табақалаштирилди:

- бир йилдан уч йилгача муддатга жалб қилинган депозитлар бўйича амалдаги захира ставкасининг 80 фоизи миқдорда;

- уч йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар бўйича амалдаги захира ставкасининг 70 фоизи миқдорида мажбурий захира талабномалари қўлланилади.

5. Лизинг компаниялари ресурс салоҳиятининг фермер хўжаликларининг лизингга бўлган талабига мос эмаслиги. Ҳозирга қадар республикамызда ижара ҳуқуқидан инвестицион кредитларнинг таъминоти сифатида фойдаланиш механизми ишлаб чиқилмаган. Бунинг натижасида фермер хўжаликлари ерга ижара ҳуқуқидан фойдаланиб инвестицион кредитлар олиш имкониятига эга бўлмаяпдилар.

Умуман, “Урганжи замин сардори” фермер хўжалиги бугунги кунда нисбатан барқарор ҳолатга эга. Лекин, Гарчи хўжаликда лизинг кредити тўловини ўз вақтида тўлаш имкони мавжуд бўлсада, хўжаликда айланма

⁴ Лизинг фирмаларга қулай. Файзиева Н. www.google.uz.com

маблағлар етишмаслиги келиб чиқиши мумкин. Бу муаммо хўжаликда умумий рентабелликнинг паст даражадалиги ва қўшимча даромад манбаи йўқлиги билан боғлиқ.

6. Фермер хўжалигида ишлаб чиқилган бизнес режада кредит тўловини қайтаришда рентабеллик даражаси юқори баҳоланган, об - ҳавони ёмон келиши туфайли харажатларни кўпайиб кетиши кўзда тутилмаган. Бу хўжалик қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олишда ва қарзни тўлашда қийинчилик туғдирган.

7. Хўжалик ер майдони хажми катта эканлигини эътиборга олсак, кўп тармоқли хўжалик юритиш имконияти мавжуд. Жумладан, рентабеллик юқори бўлган сабзовот ва полизчиликни ёки чорвачилик, асаларичиликни ташкил этиш мумкин. Фермер хўжалик рахбарининг зоотехник сифатида узоқ йиллик тажрибага эга эканлигини эътиборга олсак кўп тармоқли фермер хўжаликка айлантириш учун салоҳият етарли. Бу хўжаликнинг қўшимча даромадини кўпайтириб, пахтачилик ва ғаллачилик тармоғидан келадиган фойдага қарамликни камайтиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрдаги 723-ХП сон Қонуни билан тасдиқланган. - Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги қонуни. «Халқ сўзи» газетаси 2004 йил 27 август.
- 1.3. Ижара тўғрисида. Қонун. 1991 йил 19 ноябр.
- 1.4. Лизинг тўғрисида. Қонун. 1999 йил 14 апрел.
- 1.5. Инвестиция фаолияти тўғрисида. Қонун. 24.12.1998 й.
- 1.6. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ги Қонун. 2000 йил 25 май.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (янги таҳрири). 2008 йил 1 январ.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

- 2.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони. Халқ сўзи. 2003 йил 28 октябр.
- 2.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2010 йил 6 апрелдаги № ПҚ-1317-сон Қарори (Илова № 1);
- 2.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.

2.4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3287 сонли Фармойиши.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора - тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-3122-сон Фармони;

2.6 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи. 2003 йил 31 октябр.

2.7 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи. 2003 йил 31 октябр.

2.8 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон Қарори.

2.9 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг —Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида□ги 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон Қарори.

III. Президент асарлари ва маърузалари

3.1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш

хисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузаси. Халқ сўзи 20 январь 2015 йил.

3.2 Президент И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” номли маърузаси // www.парliament.gov.uz/уз/евенц/чамбер/1766#каримов

3.3 И.А.Каримов. “Бизнинг бош мақсадимиз– жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” – Тошкент: Ўзбекистон. 2005 й.

3.4 И.А.Каримов. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.

IV. Илмий адабиётлар

4.1 Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. и .ф.д., профессор Д.Ғ. Ғозибеков умумий таҳрири остида. Т.: «Fan va texnologiya», 2004 й.

4.2 Олимжонов О., Фармонов Т ва бошқалар. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т., Университет 2005 йил.

4.3 А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Биринчи ва иккинчи нашри (дарслик). Тошкент, 2004й .2010й.

4.4 О.Зокиров ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти Т.2005 йил

4.5 Лизинг в центральной Азии и Азербайджане. Международная Финансовая корпорация, IFC\ SECO 2007 г., апрель.

4.6 Набиев Э. Ғ., Марпатов М. Д. Лизинг ғояси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти. – Т., «ЎАЖБНТ» Маркази. 2004. – 80-б.

4.7 Қишлоқ хўжалигида лизинг ва ундан фойдаланиш. Қишлоқда бизнес юритишнинг молиявий иқтисодий ва ташкилий жиҳатлари . Фермер учун қўлланма. Х.К Мамарасулов, А.А.Ташматов, Н.И.Джумабаева,

Х.Х.Саидакбаров, И.Б.Рустамова, Б.Досов, М.К.Йўлдошев, А.Расулов, О.Шомуратов, А.Кадырходжаев, Ш.Эрназаров, А.Содиқов. ICARDS, CACAARI. Тошкент 2013.

4.8 Салаев С.К. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида КЎБ: муаммолар, таҳлиллар ва истиқболлар. – Т: Фан, 2002. – 128-б.

V. Журнал ва газеталар, конференция материаллари

5.1 Жумаев Н., Бикбаева Г.Лизинговые предпочтения //ЭО,2007,№4.-С.70
Исашев А., Сабитов А., Сув хужалиги муаммолари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ойнамаси. 2007 йил №3, 13бет

5.2 Интервью с Хашимовым З. Развитие лизинговых услуг: тенденции, проблемы, перспективы. // ЭО, 2003, сентябрь, №9. - С. 27-28.

5.3 Екатеринина А. Лизинг – это реально. // Журнал налогоплательщика, 2007, июль, №1. - С. 34-35.

5.4 Кутбиддинов А. Лизинг – современный метод приобретения. // Журнал налогоплательщика, 2007, апрель, №2. - С. 25-26.

5.5 Советова Н.П. Инвестиционно - инновационный вектор агролизинга. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. 1(13). 2011. 108-114 стр.

5.6 Шкерин А.В. Агролизинг как механизм инновационного развития АПК. Автореферат канд.диссерт. 2013 г. Екатеринбург. <http://www.urgau.ru>

VI. Интернет сайтлар

6.1 <http://www.ceep.uz/> – «Ўзбекистон иқтисодиёти» таҳлилий шарҳ.

6.2 <http://www.uzagroleasing.uz/> – “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК

6.3 [http:// www.all-leasing.ru/](http://www.all-leasing.ru/) — Интерпрослизинг.